Президент ҳузурида қабул

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 20 ноябрь куни Халқаро Валюта Жамғармаси фармойиш берувчи директорининг ўринбосари Шигемитсу Сугисаки раҳбарлигидаги делегацияни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонларни Ўзбекистондаги иқтисодий вазият билан атрофлича таништириб, мамлакатимизнинг Халқаро Валюта Жамғармаси билан муносабатларида юзага келган айрим англашилмовчиликлар хусусида тўхталди. Ушбу халқаро молиявий муассаса билан ҳамкорлик алоқаларимиз изчил ривожланаётган бўлса-да, баъзи ҳолларда томонлар фикрида, ҳақиқатан ҳам, тафовутли жиҳатлар кузатилади. Президент Ислом Каримов бундай англашилмовчиликларни келтириб чиқараётган сабабларни асосли равишда баён қилиб, Ўзбекистон Халқаро Валюта Жамғармаси билан ҳамкорликка ҳамиша тайёр эканини таъкидлади.

— Биз Халқаро Валюта Жамғармасининг техник ёрдами ҳамда Жаҳон банкининг кўмагини инкор этмаймиз,— деди, жумладан, Президент. — Юртимиздаги янгиланишларда маълум маънода ана шу кўмакнинг ҳиссаси бор. Зотан, дунёда халқаро молиявий муассасалар кўмагисиз иқтисодий инфратузилмасини ўзгартирган, иқтисодиётини юксалтирган, бир сўз билан айтганда, кўзланган катта мақсадларга эриша олган давлат йўқ.

Ш. Сугисаки самимий қабул ва мулоқот давомидаги ошкоралик учун Президентга миннатдорлик билдириб, Ўзбекистонда кечаётган ўзгаришларга юқори баҳо берди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Халқаро Валюта Жамғармаси ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш билан боғлиқ ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси В. Голишев, Бош вазир ўринбосари Б. Ҳамидов иштирок этди.

Қабул маросимида Халқаро Валюта Жамғармасининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари К. Розенберг ҳозир бўлди.

(ЎзА)

Суратларда: қабул пайти.

Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1998 йил 21 ноябрь, шанба • № 139 (24.376).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Чўққиларга сочилган ёғду

Куни кеча Тошкентдаги Байналмилал маданий маркази биносида Марказий Осиё халқлари маданий Ассамблеяси ташкил этилганлигига 3 йил тўлиши муносабати билан анжуман бўлиб ўтди. Қадим Туркистон маданияти, илму маърифат зиёси бир вақтлар дунёни равшан айлагани рост. Мазкур Ассамблеянинг тузилишидан мақсад ҳам собиқ шўролар даврида бўлак-бўлакка бўлиб ташланган беш оға-ини, бешга бўлинган умуммаданиятни яна қайта жипслаштириш, ягона забардаст куч қилиб бирлаштиришдан иборат эди. Ассамблеянинг илк тамал тоши 1995 йилда қўйилганди. Ўша йили Ўзбекистон маданияти кунлари қардош Қозоғистон диёрида, Олмаота шаҳрида бўлган дамлар. Ўзбек зиёлиларининг ташаббуси билан юртбошилар Ислом Каримов ва Нурсултон Назарбоевлар фатво беришганди. Шундан сўнг ташкилий қўмита Тошкент шаҳрида тузилди. Ассамблеянинг биринчи қурултойи 1995 йил 21 ноябрда Тошкентдаги «Туркистон» саройида ўтказилди. Бош кенгаш тузилиб, унинг биринчи президенти этиб Чингиз Айтматов сайланганди. Мана орадан уч йил ўтибди. Қилинган ишлар эса талайгина. Ассамблеянинг вице-президенти Одил Ёқубов жумладан шундай деди:

— Ассамблеянинг тузилишида, аввало ўзбек ва қозоқ ёзувчиларининг ташаббуси катта бўлди. Кейинчалик, бизнинг мақсадимиз эзгу эканлигини англаб қирғиз, тожиклар ҳам қўллаб-қувватлашди. Ҳозирда туркманлар ҳам сафимизда. Шундай қилиб, динимиз, тилимиз бир, қон-қариндошлар яна топишдик, жипслашдик. Ўсма кетар қош қолар, деганларидек ўткинчи шамоллар хаёлимизни бироз паришон қилган бўлса-да, имонимизга путур етказа олмади. Имони бутун одам барибир ўзлигига қайтади.

Миллий маданий марказимиз «Мустақиллик маънавияти» мавзусида Бишкекда, Тошкентда илмий анжуманлар ўтказди. Давлат бошлиқларимизнинг ғамимий қутловлари бизга куч-қудрат бағишлади. Руҳлантирди. Жамғармамизнинг саъй-ҳаракатлари билан янги «Туркистон адабиёти» журналини рус тилида нашр этиш устида иш олиб бораяпмиз. Яқин кунларда Аҳмад Яссавий зиёратгоҳи мажмуи қароргоҳида «Яссавий ва туркий адабиётлар» мавзусида илмий анжуман ўтказиш ниятимиз бор.

Асли томиримиз бир, маданиятимиз, маънавиятимиз тупроғи бир халқларимиз. Ёзувчи Одил Ёқубов гапларидан шуни англадим: «От айланиб қозиғини топади», оққан дарё барибир оқади. Гарчи бугун бешта давлат бўлиб ер шари харитасидан жой олиб турган бўлса-да, беш маънавиятнинг халқларини тутиб турган эса-да, улар бирлашса тугал бўлади, дунёни титратади. Мени қувонтиргани Ассамблея ташаббуси билан Марказий Осиё халқлари музейи ташкил этилишига тайёргарлик кўрилаётгани бўлди. Ушбу музей беш қисмдан иборат бўлиб, унда беш республиканинг тарихий, анъанавий урф-одатлари, маданий мерослари, бир-бирига ўхшаш меҳнат қуроллари жой оларкан. Туғишганлар ҳам узоқлашса бегоналашади, етти ёт бегона ҳам яқинлашса биродарлашади. Бир томирдан ўсган дарахтлар йўлдошлиги, ўзакдошлиги билан салобат касб этади.

Юсуф ЖЎРАЕВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида

20 ноябрь куни Олий Мажлисда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Вазирлар Кенгаши намояндалари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари, бир қанча туман ҳамда шаҳар ҳокимлари ва уларнинг ўринбосарлари, фуқаролар йиғинларининг раислари иштирокида «Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва аҳамияти. Фуқаролар йиғинлари раислари ҳамда уларнинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш борасидаги вазифалар» мавзуида республика семинар-кенгаши бўлиб ўтди.

Семинар-кенгашни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. Халилов кириш сўзи билан очди.

«Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва аҳамияти» мавзуида Олий Мажлис Раисининг ўринбосари А. Қосимов маъруза қилди.

Семинарда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, республика Хотин-қизлар қўмитасининг раиси Д. Гуломова, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ташкилий-кадрлар сиёсати бўйича Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Ё. Жалолов, Олий Мажлис Котибиятининг Назорат-ахборот бўлими мудири Ё. Муҳамедов, «Маҳалла» республика хайрия жамғармаси бошқаруви раиси Ш. Жалилов, Олий Мажлис Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Н. Исмоилов, ижтимоий таъминот вазири Б. Умурзоқов, Бош прокурор ўринбосари Б. Бекмирзаев, Олий Мажлис Матбуот ва ахборот қўмитаси раиси Ў. Ҳошимов, ички ишлар вазирининг ўринбосари Б. Парпиев, Молия вазирлиги бошқармаси бошлиғи О. Йўлдошев, Давлат мулки қўмитаси раисининг ўринбосари И. Яковлев, республика Ер ресурслари қўмитаси раисининг ўринбосари Ҳ. Ғуломов, Олий суд раисининг ўринбосари Ҳ. Усмонов, соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари Б. Ниёзматов, Мудофаа вазирлиги бошқармаси бошлиғи Б. Мирзамуҳамедов сўзга чиқди.

Анжуманда сўз олган Нукус шаҳри ҳокими А. Аметов, Самарқанд тумани ҳокими Р. Ҳакимова, Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги Беруний номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси С. Саидкаримов, Қашқадарё вилоят Қарши туманидаги Ёртепа қишлоғи фуқаролар йиғини раиси Ш. Қодиров, Фарғона вилояти Ўзбекистон туманидаги Тағоб қишлоғи фуқаролар йиғини раиси Ҳ. Усмонова ўз тажрибаларини ўртоқлашди.

Семинарда қонун ҳужжатларининг фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ваколатларини кенгайтиришга доир қисмини янада такомиллаштириш, ўзини ўзи бошқариш органларида ишлаш учун кадрларни танлаш ва тайёрлаш, йиғин раислари ҳамда уларнинг маслаҳатчилари сайловини ўтказиш билан боғлиқ ишларни ташкил этиш масалалари, аҳолининг кам таъминланган қатламларини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, тадбиркорликни ривожлантириш, ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш, оилани ҳар тарафлама мустаҳкамлаш, аҳоли пунктларининг санитария ҳолатини назорат қилиш, ҳудудларни ободонлаштириш, тўйлар, оилавий тантаналар, маросимларни ўтказишда ҳаддан ташқари исрофгарчилик ва нокамтарлик ҳолларини барҳам топтириш борасидаги вазифалар ва бошқа кўпгина масалалар зўр манфаатдорлик билан муҳокама этилди.

Анжуманда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг давлатимиз сиёсатини, қонунларимизни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонларини, ҳукуматимизнинг ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорларини ҳаётга татбиқ этишдаги, республикамизда ўтказилаётган иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотларни амалга оширишдаги бетимсол ўрни ва улкан аҳамияти алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Семинар ишида Олий Мажлис Раисининг ўринбосарлари Б. Бугров ва Б. Шодиева, Ўзбекистон Республикаси Президенти девони Қонунчилик ва суд ҳокимияти органлари билан алоқалар бўйича экспертлар гуруҳининг раҳбари Й. Назаров, бир қанча вазирликлар, идоралар, судларнинг раҳбарлари, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этдилар.

Халқаро нафосат баҳси

Эрта ўтиб индинга В. Митрофанов номли сув саройида синхрон сузиш бўйича халқаро мусобақа байроғи кўтарилади. Мусобақада Греция, Россия, Хитой, Словакия ва Марказий Осиё давлатларидан келган моҳир сузувчилар ўзаро баҳслашадилар. Мовий сув қўйнида бир-бирларини ҳис этиб тургандек аниқ ва нафис ҳаракатлар қилаётган қизларнинг чиқишларини нуфузли ҳакамлар баҳолаб турадилар. Оврўпо синхрон сузиш федерациясининг президенти италиялик Стефания Тереннинг бош ҳакамлик қилиши ҳам бежиз эмас. Мусобақа эса пухта ҳозирлик кўриб ҳалқаро андозаларга мос шароитда ўтиши кутилмоқда. «Совпластитал», «Олйкс», Тошкент чинни заводи каби корхоналар ҳомийлик қилиб, ғолибларга муносиб совғалар ҳозирлаб қўйишибди. Баҳс эса 26 ноябрга қадар давом этади.

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

«Ғафлат уйқуси»

Нишон туман ҳокимлиги «Ўзбекистон овози» газетасининг 1998 йил 22 октябрь сонида босилган «Ғафлат уйқуси» сарлавҳали мақола юзасидан қуйидагиларни маълум қилади.

Танқидий мақола туман халқ таълими ҳайъатининг 24 октябрдаги йиғилишида кўриб чиқилди. Мактабнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва ўқув-тарбия ишларида жиддий камчиликларга йўл қўйганликлари учун мактаб директори С. Турдиев, ўринбосарлари А. Бекбўтаев, С. Имомовлар вазифаларидан озод қилиндилар.

Туман халқ таълими бўлими мудири С.Мамашоевга бир ой ичида мактабга келтирилган зарарни жавобгар шахслардан ундириб олиш, ўқув-тарбия ишларини яхшилаш чора-тадбирларини кўриш, кадрларни танлаш ва жойжойига қўйиш ишларини амалга ошириш вазифалари юклатилди.

Тумандаги «Саховат» қурилиш-таъмирлаш идорасига мактабни бир ой ичида таъмирлаш ишларини амалга ошириш вазифаси топширилди ва ҳозирги пайтда таъмирлаш ишларига киришилди.

Туман ҳокимлиги танқидий мақола учун газета муҳарририятига миннатдорчилик билдиради.

Нишон тумани ҳокими
Х.ЖОНИЕВ.

Хатлар, хатлар, хатлар

Буюк ўзгаришлар соясида

Дунёвий тараққиёт йўлидан боряпмиз. Етти йилдирки, ҳур Ватанимизда буюк иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириб, жаҳонга танилиш ва жаҳонни ўрганиш йўлида саъй-ҳаракат қилинмоқда. Юртбошимиз ва ҳукуматимиз томонидан чиқарилаётган ҳар бир фармон ва қарорлар келажаги порлоқ, ҳуқуқий демократик давлат барпо этишни янада яқинлаштиришга қаратилган. Юртимиз пойтахтида кейинги йилларда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари таҳсинга лойиқ экани ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Ўзгаришлар қишлоқлар ва вилоят марказларида ҳам бисёр. Буларни кўрганингда дилинг яйраб, ҳаёт завқини сураётгандек бўлаверасан. Аммо, нур борки соя бор, деганларидек, ана шундай янгиликлар ва ўзгаришлар теграсида киши тоқат қила олмайдиган камчиликлар ҳам бўлиб турганига ҳайрон қоласан, киши. Аввало сўзимнинг бошидаёқ менинг гапларим шунчаки мулоҳаза эканини таъкидлашни истардим. Энди дилимдагиларни тўкадиган бўлсам, аввало, раҳбарлар атрофида сермулозамат кишиларнинг кўпайиб кетганлиги менга ёқмайди. Бундай «мулоқотлар» асосида лаганбардорлик, пораҳўрлик, қоламерса, лўттибозлик авжга миниши ҳеч гап эмас. Одамлар нарх-навонинг баландлиги, ойликларнинг ҳамин қадар экани ҳақида кўп гапиришади. Ахир, тушунайлик, ҳамиша ўтиш даврининг, қоламерса бозор иқтисодиётини йўлга қўйиб олишда бундай камчиликларнинг бўлиши табиий. Шундай бўлсада, баъзи фикрларни айтмоқчиман.

Яқинда телевидениемизда республикада туз ишлаб чиқариш бултургига нисбатан беш баробар кўпайганлиги айтилди. Бу яхшилик аломати. Аммо, бултур ош тузининг бир килоси уч сўм эди. Ҳозир эса ўн беш сўм. Нега? Шунингдек, вилоятимизда буғдой етиштириш 1995 йилга қараганда бу йил уч баробар кўпайган. Аммо уч йил аввал бир кило буғдой саккиз сўм бўлса, ҳозир йигирма беш сўм. Буни қандай тушуниш керак? Албатта, мен иқтисодчи эмасман. Лекин, бундай ўзгаришлар сабабини одамларга қандайдир йўл билан тушунтириб, ойдинлик киритиб борилса бўлмасмикин? Яна бир мисол. Кейинги уч ой ичида чорва молларининг нархи арзонлашди. Айтайлик, 50 минг сўмлик буқалар 40 минг, 30 минг сўмлик қўйлар 25-26 минг сўмга тушди. Лекин, қассоблар бундай ўзгаришга парво ҳам қилишмади. Гўштнинг нархи ўша-ўша. Тушунаман, ҳозирги шароитда нархнавони назорат қилишга йўл беримайди. Аммо, ўтиш даврида ўзига хос қандайдир барқарорликни таъминлаш учун бу борада кузатув бўлса ёмон бўлмасди. Билишимча, Марҳамат тумани суди жамоа хўжалигининг бир аъзосини Қирғизистонга пахта сотишда айблаган. 350 килограмм маҳсулот экан. Энди, бир кило пахта бизда 5 сўм. Солиқ-молиғи билан 4 сўмга тушади. Бу нархга бир қути гугурт ҳам келмайди. Қўшниларимизда эса бир кило пахтага икки сўм беришади. Бу дегани деҳқоннинг моли 25 сўмданга айланганидир. Билмадим, шунчаки ўзимча фикр юритдим. Зеро, кўнгилни ҳижил қилувчи фикрларни тўкиб солгим келди.

Каримжон ҲАКИМОВ,
Хўжаобод тумани, Тўраобод қишлоғи.

Тошкент яқинида сув бўлмаса-я...

Баъзилар арзномамизни ўқиб чиқишгач, шунгаям шунчами, дейишар. Лекин, сабрнинг ҳам ниҳояси бўлади-да. Ичоқ бориб суякка тақалганидан кейин «дод» деркансан. Келинг яхшиси, муддаога ўтайлик. Биз бу мактубни Тошкент вилояти, Қибрай тумани «Янгиобод» фуқаролар йиғинига қарашли «Алишеробод» маҳалласидан бир гуруҳ бўлиб йўллядик. Тумандаги ЖБИга қарашли 1—5- уйларда ёз бўйи иссиқ сув бўлмади. Бу уйлар фойдаланишга топширилганидан бери ҳам шу аҳвол. Энди, икки ойдирки, ичимлик сувидан ҳам маҳрум бўлиб турибмиз. Хонадонлар аҳли дренаж-сув қудуқларидан фойдаланишга мажбур бўлмоқдалар.

Бу борада туман ҳокимлигига, ЖБИга кўп маротаба мурожаат қилдик. 2-3 кун сув бўлади, кейин яна тўхтаб қолади. Ҳайронмиз. Балки, маҳаллий раҳбарлар йўлбошчимизнинг аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш тўғрисидаги фармонларидан бехабар бўлсалар керак. Ахир пойтахтга олиб ўтилган катта сув қувурлари биздан бор-йўғи 50-100 метр олисда, холос. Бунинг устига қиш-қировли кунлар яқин. Ҳалигача иситиш қозонлари таъмирланмаган. Наҳотки, бирон-бир савоб кетидан қувган, халқ учун жонкуяр ва фидоий инсон топилмаса. Қачонгача Тошкент яқинида яшаб, сувга зор бўламиз.

Қибрай туманидаги 1—5- уйларда истиқомат қилувчилар: жами 90 та имзо.

Журналист текшируви

Думбул «посбон» қўриққа ярайдими?

Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси ва Ички ишлар вазирлиги диққатига!

Ҳурматли таҳририят!

Мендек бағри куйган ота бугун кимдан нажот кутишни билмайман. Ўтган йили 27 декабрь куни фожиа юз берган: Даҳбед қўрғонидаги катта йўл четидан келишаётган ўғилларим Халил ва Янгибойни машина уриб кетди... Ҳайдовчи жабрдийдаларга ёрдам кўрсатиш, зудлик билан шифохонага олиб бориш ўрнига номардларча жуфтакни ростлаб қолган. Натижада катта ўғлим Халилжон ҳаётдан кўз юмди, тўрт нафар норасидалари етим бўлиб қолди. Янгибой эса анча даволаниб, ўзига келди. Албатта, Янгибой ўша машинани кўрган, рақаму машина русумларигача эслаб қолган. Бу ҳақда тегишли идораларга маълум қилдик. Минг афсуски, шу кунга қадар ҳеч қанақа натижа бўлмади. Ҳуқуқий идоралар бу «иш»ни ҳали у туманга, ҳали бу туманга оширадилар. Ўртада менинг ҳам жоним ҳалак. Кунлар ўтиб бораётир, борган сари жиноят излари «кўмилиб» кетаётир. Ҳақиқат борми ўзи?..

Оиламга тенгсиз қулфат келтирган ўша жиноятчини суд олдида жавобларини эшитишни, тасодиф туфайлими ё қасддан шундай қабиҳлик қилдими — шуни аниқ билишни хоҳлайман. Одил суд ҳукмини, хусусан, жабрдийда неваларимга қонуний ажрим чиқишини истайман. Ахир, ўлган ўлди-кетди, дея қўл қовуштириб юраверишга тирик инсонга ҳақорат-ку...

Сизлардан нажот кутиб қолувчи Қилич РАСУЛОВ,
Самарқанд вилояти, Пайариқ тумани,
«Ҳалқобод» ижара хўжалиги, Қарисой қишлоғи

Бир қарашда «қилни қирқ ёрадиган» қонун посбонлари учун унчалик мураккаб бўлмаган масала. Катта йўлда юз берган бахтсиз ҳодиса. Калаванинг учи бутунлай ноаниқ бўлса бошқа гап. Ўша жабрдийдалардан бири — Янгибой (йигирма ёшдан ошган, ақл-ҳуши жойида йигит) ўша машинани аниқ кўрдим, фалон русумли, давлат рақами бундоқ деб турган бўлса. Наҳот уни шартта тутиб келиб текшириш шу қадар мушкул экан? Чиндан ҳам айбдор ўша бўлса, ишни судга ошириш, масалани узил-кесил ҳал этиш керак! Мабодо, Янгибой «адашган» бўлса, униям бирёқлик қилиш лозим.

Ўша ҳайдовчи ва даъвогарни юзлаштириш, айбдор айнан у эмаслигини ойдинлаштириш, икки тирик банда — ҳайдовчи ва жабрланувчининг ораларини очиқ қилиш зарур. (Токи, бири шубҳаю гумонлар ичра мушт дўлайтириб, иккинчиси таҳликада юрак ҳовучлаб юрмасин). Башарти, жиноятчи бошқа шахс бўлиб чиққудек бўлса, у ҳолда жиноят излари батамом йўқолиб кетмасидан уни аниқлаш, тутиш, қонуний жазосини бериш шарт! Токи, битта жинояти имижимида беиз кетганидан хотиржам бўлиб бошқа шундай жиноятлар содир этмасин!..

Халил ва Янгибойни катта йўлда фалокатга гирифтор қилиб жуфтакни ростлаган «номаълум шахс» устидан жиноий иш «қўзғалган» албатта. Оқдарё туман ички ишлар бўлими терговчиси Илҳом Исмоилов суриштирув ишларини олиб борган. Аниқроғи, у суриштирув ишларини олиб боришни уддалай олмаган?! Яқиндагина терговчиликни бошлаган Илҳом воқеликка тўғри баҳо бера олмаган. На ўша гумондор ҳайдовчини эплаб сўроқ қилган, на жиноятнинг «бошқа» изини топа олган. Ҳуқуқшунослар нуқтаи назари билан қаралганда қанчадан-қанча хатоликларга, чалкашликларга йўл қўйган. Табиийки ҳеч қанақа «натижа» чиқмаган. Ўлган ўлиб кетаверган, жароҳатланганнинг жароҳати битаверган, аммо, қилғилиқни қилиб номардларча қочган — қочиб кетаверган.

Бу ҳолга Самарқанд вилоят Ички ишлар бошқармаси бефарқ қараган: ишни оппа-осон кўшни Иштихон туман ички ишлар бўлимига ошириб қўя қолган. (И.Исмоилов деган «терговчи» вазифасини уддалай олмаётгани вилоятдаги мутасаддиларни қанчалик қизиқтирган-қизиқтирмагани бизга ҳам «сир». Аммо, шуниси яхши маълумки, Илҳом укамиз ҳамон терговчи сифатида кимларнидир «тергаб» юрибди).

— Бу жиноий иш сабаблари нақадар паст даражада ўрганилган, — деди биз билан суҳбатда Иштихон туман ички ишлар бўлими терговчиси Абдулла Хушназаров. — Тергов ишлари ҳам паст савияда, хўжакўрсинга олиб борилгани маълумотномалардан аён кўриниб турибди. Воқеа содир бўлган жойдаки жиноят изи аниқланмадими, калаванинг учи топилмадими — уни бошқа туманда туриб «ҳал этиш» жуда мушкул. Шул сабаб ўша «иш»ни яна оқдарёлик ҳамкасбларимизга қайтариб бердик...

Оддий мантиқий хулоса: Оқдарё тумани ҳудудида содир этилган йўл ҳодисасини бир неча ой ўтиб қўшни тумандагилар аниқлаб, ҳал этиб беришлари мумкинми? Эҳтимол, афсонавий Шерлок Холмсга ўхшаш чинакам изқувар бўлса, мантиқий хулосалари ила бирор жўяли фикрга келар. Бироқ, Даҳбед қўрғонида содир этилган жиноят излари босилган, ойлар ўтган, фасллар ўзгарган, қанча сувлар оқиб кетган...

Тўғри, айрим жиноий ишлар қонун посбонлари томонидан ўрганилиб, тергов ишлари ниҳоясига етказилиб бўлингач, бир туман судида чиқарилган ҳукмдан норозиликлар бўлса, уни бошқа туман суди кўриб чиқиши мумкин. Фақат қозининг адолатли ҳукми учун бир тумандан иккинчисига «ошириладди». Туман судлари адолатли ҳукм чиқаришга «ожизлик» қилишса, вилоят суди ҳал этади. Ундаям бўлмаса республика олий суди ҳукм чиқаради.

Аммо, марҳум Халил Расуловнинг қотилини қанчадир вақт ўтиб бошқа тумандагилар аниқлаб бериши мумкинлигини тасаввур этиш қийин.

Ҳуқуқ-тартибот идораларининг, умуман, қонунчилик соҳасининг ўз тартиб-қоидалари бор. Дейлик, бирор масалада жиноят иши кўзғатилгач, икки ой муддат орасида ниҳоясига етказилиши лозим. Боринг-ки, жиноят иши чигал, мураккаброқ бўлса уч-тўрт ойга чўзилишини ҳам тушуниш мумкин. Энди, катта йўлдаги бахтсиз ҳодиса ҳақидаги «жиноий иш» терговчилар қўлида қачон хотима топаркин? Ўтган йили декабрь ойида содир этилган йўл ҳодисасига ҳа демай роппа-роса бир йил тўлади...

* * *

Ҳаётда жиноятнинг турлари кўп. «Жиноят кодекси»да баён этилган жиноятлардан ташқари ҳам жиноятлар анчагина. Дейлик, беморга тиббий муолажа қилишни билмасдан туриб «шифокор»лик қилиш — даҳшатли жиноят. Хат-саводи ҳамин қадар киши мактабда «муаллим»лик қилиши ундан ҳам баттарроқ жиноят. Энг даҳшатлиси — уларнинг қўлларида ўша соҳа «мутахассиси» деган дипломи бўлади. Собиқ «қизил тузум» даврида олий ўқув юртига ўқишга боришдан бурун колхоз раисининг «рухсатнома»си талаб этиларди. Аксарият колхоз раислари кимни ўқишга юборишу кимнинг «оёғига уриб ишлатиш» масаласини ўзи ҳал этарди. Албатта, раис бува хўжалигидаги иқтидорли-ю истеъдодлини ахтариб ўтирмасди. Ўзининг эркатой ўғли, жияни, қизи, қоламерса, атрофидаги бош ҳисобчи, партком ва ҳоказоларнинг болалари учун ҳар қандай институтга «рухсатнома» тайёр эди. Ҳақиқий билимдон, иқтидорли ўғил-қизлар бир четда қолиб кетавериши ҳеч кимни қизиқтирмасди. Бильаксс, улар «бутун синфимиз бўйича ҳунар-техника билим юртига борамиз», «Ҳаммамиз пахтакор бўламиз» деган ғайритабиий шиорлар, чақириқлар остида уни чиқмай қолиб кетаверарди...

Яқин ўтмишимиздан қолган энг жирканч «мерос» шу — нўноқ «мутахассис»лар бугунги кунда қайсидир соҳаларни «ишғол» қилиб юришибди. Чўнтагида «Шифокор» деган дипломи бор, аммо, қўлига тушган беморнинг ҳолига маймунлар йиғлайди. «Ўқитувчи» деган дипломи бўлатуриб, тегишли фани ҳақида тасаввури ҳаминқадар. Ҳатто, синфда ўқувчилар билан тузукроқ суҳбатлашиш қобилияти йўқ... Яна бир даҳшатли жиноят — «Ҳуқуқшунос» ёки қонунчилик соҳасининг бошқа бир мутахассиси экани ҳақида ДИПЛОМИ бўлатуриб фикрлаш, тафаккур қилиш, икки жумла гапни эплаб ёзиш қобилиятидан нақадар йироқ кимсаларнинг ҳуқуқ-тартибот идораларида «фаолият кўрсатаётгани»дир...

Газетамизнинг шу йил 29 октябрь сонида Каттақўрғон шаҳрида истиқомат қилувчи Изатулло Ҳамроевнинг «Газетхон нажот кутади» рукни остида «Айбдорга жазо борми?» сарлавҳали хати эълон қилинди. Унда шаҳар прокуратураси терговчиси Суръат Одиловнинг бир жиноят ишини очиқ-ойдин ҳал этмаётгани, жабрдийда инсонга кўпол муомалада бўлаётгани ошкор этилган эди. Хизмат юзасидан Каттақўрғон шаҳрига бориб, ўша Суръат Одилов билан таништик. Ўзларининг ижозатлари билан тегишли жиноят иши ҳақидаги «Дело»ни варақлаб кўрдик. Во ажабо, ҳар бир саҳифада лоф-қофсиз ўнлаб имловий хатоликлар ғижғиж... Терговчининг оддий мантиқий хулосалари кишини таажжубга солади. Жиноятни очиш борасидаги пайдо бўлган қатор саволларга жавоб излаш у ёқда турсин, ўша воқеликнинг моҳиятини англаб етмагани аён кўриниб турибди.

— Бу «иш»ни бошқа туманга «ошириш» ҳақида ўйлаяпмиз, — дейди Суръат Одилов. — Ўзимнинг кўлимда эса ундан бўлак яна йигирмата «иш» турибди...

Ана сизга хулоса. Каттақўрғон шаҳрида содир этилган жиноят изини энди бошқа туман ё шаҳардагилар келиб излашлари, аниқлашлари керак эмиш...

Оқдарёлик терговчи Илҳом билан каттақўрғонлик ҳамкасби Суръатнинг айнан ўхшаш «қирра»ларини англаяпсизми?

Каттақўрғонлик «саводхон терговчи»нинг қўлида йигирмата(!) жиноий «иш» бўлса, оқдарёлик терговчида ҳам ундан кам эмасдир. Ҳар бир «иш» замирида ўнлаб инсонларнинг тақдирлари, қисматлари ётади...

Бирор кўнгилсиз ҳодиса юз бериши — катта дард. Бу дардни даф этадиган, бирёқлик қиладиган «қонун посбони»нинг ҳоли шу бўлса — дард устига ундан каттароқ чипқон шу эмасми?

Энг муҳими, Оқдарё туманида ҳаётдан эрта кўз юмган Халил Расуловнинг қотили қачон аниқланади? Қачон бу «ишлар» одил суд ҳукмига ҳавола этилади?

Лутфулла МАМАСОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Хўжалик юритувчи субъектларни текширишни ташкил қилишни тартибга солиш тўғрисида

Хўжалик юритувчи субъектларни текширишни ташкил қилишни янада тартибга солиш, текширишлар сонини камайтириш, турли назорат органлари томонидан амалга ошириладиган текширишларда параллелчилик ва такрорлаш фактларини бартараф этиш, уларнинг корхоналар хўжалик фаолиятига иқтисодий зарар етказувчи асоссиз аралашувига йўл қўймаслик мақсадида, шунингдек тадбиркорларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилиш манфаатларини кўзлаб:

1. Қуйидагилар белгилаб қўйилсин:

мулкчилик шаклидан қатъи назар, хўжалик юритувчи ҳамда тадбиркорлик тузилмаларининг молия хўжалик фаолиятини тафтиш қилиш ва барча текширишларни ўтказиш, қоида тариқасида, бир йўла комплекс текширишлар ўтказилишини назарда тутган ҳолда фақат назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг қарорига биноан режа асосидаги тартибда солиқ ва бошқа назорат органлари томонидан йилига кўпи билан бир марта амалга оширилади;

мазкур субъектларнинг фаолиятини қўшимча, шунингдек муқобил текшириш ва тафтиш қилиш ишларини ўтказиш жиноий ишлар бўйича тергов давомида ёки фақат назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг қарори билангина назорат органлари томонидан амалга оширилиши мумкин. Горизонтал текширишлар ва тафтишлар ўтказилишига йўл қўйилмайди, бошқа хўжалик юритувчи субъектларда муқобил текширишларни ўтказишга эса фақат уларнинг текшириш объекти билан ўзаро муносабатлари доирасидагина йўл қўйилади;

бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга солиқлар ҳамда тўловларни ўз вақтида ва тўла ҳажмда тўлаб турадиган, бошқа норма ва қоидаларга риоя этадиган, аудиторларнинг ҳар йиллик тегишли хулосаларига эга бўлган хўжалик юритувчи ва тадбиркорлик тузилмаларининг молия-хўжалик фаолиятини текшириш ҳамда тафтиш қилиш назорат органлари томонидан, қоида тариқасида, ҳар икки йилда кўпи билан бир марта амалга оширилади;

хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолияти Прокуратура, Ички ишлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизмати органлари томонидан фақат кўзғатилган жиноий иш бўйича тергов тартибида текширилади ва тафтиш қилинади.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва унинг жойлардаги органлари зиммасига республика ҳамда маҳаллий бюджетларнинг, шунингдек қўшма бюджетда ҳисобга олинадиган бюджетдан ташқари жамғармаларнинг маблағлари ҳисобидан молияланадиган муассасаларнинг молия-хўжалик фаолиятини белгиланган тартибда текшириш вазифаси юклансин. Зарур ҳолларда ана шу текширишларни амалга ошириш учун солиқ ва бошқа назорат органлари жалб қилиниши мумкин.

3. Белгилаб қўйилсинки:

назорат органлари томонидан молия-хўжалик фаолиятини тафтиш қилиш ва ҳар қандай текширишни ўтказиш муддати 30 календарь кунидан ошиб кетиши мумкин эмас. Алоҳида ҳолларда бу муддат назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг қарорига мувофиқ узайтирилиши мумкин;

аудиторлик текширишларни ўтказиш бўйича сарф-харажатлар ана шу текширишларни тайинлаган ташкилотлар ҳисобидан қопланади.

4. Хўжалик юритувчи ҳамда тадбиркорлик тузилмаларининг молия-хўжалик фаолиятини текшириш, жумладан назорат тариқасидаги текширишлар ва тафтишларни ўтказиш борасида белгиланган тартибга риоя этилиши учун шахсий жавобгарлик солиқ ва молия органларининг, Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси, Миллий хавфсизлик хизмати ва Ички ишлар вазирлиги органларининг, шунингдек давлат назоратини амалга оширишга вакил қилинган бошқа органларнинг раҳбарлари зиммасига юклансин.

5. Ўзбекистон Республикаси назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг янгиланган таркиби ва у ҳақдаги Низом тасдиқлансин.

6. Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши бир ой муддатда вакил қилинган вазирликлар ва идоралар томонидан ҳудудлар бўйича хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш ва тафтиш қилиш борасида 1999 йилги мувофиқлаштирувчи режалар ишлаб чиқилишини таъминласин, бунда комплекс текширишларни кенг жорий этиш асосида уларни ўтказиш даврийлиги ва муддатларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш назарда тутилсин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси солиқларни ва мажбурий тўловларни тўлашдан ашаддий бўйин товлаш фактларининг ҳар бири бўйича чора кўриш учун йилнинг ҳар чорагида назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашига ўз таклифларини тақдим қилсин.

7. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти устидан давлат назоратини амалга оширишга вакил қилинган вазирликлар ва идоралар:

икки ҳафта муддатда молия-хўжалик фаолиятини текширишга, шу жумладан назорат текширишлари ва тафтишлар ўтказишга қўйиладиган мансабдор шахсларнинг рўйхатини тасдиқласинлар;

молия-хўжалик фаолиятини текширишга, шу жумладан назорат текширишлари ва тафтишлар ўтказишга қўйиладиган мансабдор шахслар белгиланган тартибда аттестациядан ва қайта аттестациядан ўтказилиши лозим бўлган қоидани татбиқ этсинлар. Бир ой муддатда хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятини текширишга, шу жумладан назорат текширишлари ва тафтишлар ўтказишга қўйиладиган мансабдор шахслар учун махсус гувоҳномалар жорий қилинсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти устидан назоратни амалга оширишга вакил қилинган вазирликлар ва идоралар томонидан текширишларни ташкил қилишни тартибга солиш ва такомиллаштириш тўғрисидаги қонунлар, фармонлар ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари қандай ижро этилаётганлигини назорат қилишни таъминласин, назорат органлари ходимларининг ноқонуний ҳаракатлари хусусида Республика мувофиқлаштирувчи кенгашининг тақдимномаларини, шунингдек хўжалик юритувчи субъектларнинг шикоятларини ўз вақтида кўриб чиқиб, қонунда кўзда тутилган чораларни кўрсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда бир ҳафта муддатда текширишларни ташкил қилишни тартибга солиш ва такомиллаштириш тўғрисидаги қонунчиликни бузишда айбдор бўлган мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги белгиланишини кўзда тутувчи Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексига қўшимчалар ҳақида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди, Прокуратураси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органлар ва ноҳукумат ташкилотлари билан бирга хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг ҳуқуқий маданиятини юқори кўтариш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга оширсинлар, назорат органларининг мансабдор шахслари томонидан хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқларини бузиш сабабларини мунтазам таҳлил этиб, уларни тугатиш чораларини кўрсинлар.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси, «Ўзтелерадио», оммавий ахборот воситалари хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш ишларини ўтказиш қоидаларини, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини кенг тушунтириб берсинлар, шунингдек назорат органларининг мансабдор шахслари томонидан хўжалик юритувчи субъектларнинг 1-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисобласин.

12. Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда мазкур Фармонни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1998 йил 19 ноябрь

Янги инсон камолини ўйлаб

— Соғлом, маънавий баркамол, янги авлодни тарбиялашда партиянинг ўз ўрни бор. Шундай эмасми?

— Билъакс, дунёвий тараққиёт сари одимламоқдамиз. Ният келажаги порлоқ, ҳуқуқий демократик давлатни барпо этиш. Жаҳон андозаларига мос Бош қомусимизда одамларга сиёсий партияларга уюшиш ҳуқуқи берилгани алоҳида қайд этилган. Демократик жамиятни эса сиёсий партияларсиз тассаввур этиб бўлмас. Кишилар ана шундай партиялар орқали ўзларининг сиёсий қарашлари ва манфаатларини ифода этмоқдаларки, бу жамиятимизда дунёқарашнинг ижобий қулф ураётганидан нишонадир.

Одамлар билан, хусусан партиядошлар билан мулоқотда бўлиш, тўғрироғи ҳамкорлик қилишнинг ўзига хос завқи бўлади. Туманимизда 9 та ҳудудий, 100 та цех бошланғич ташкилотларида 1972 нафар ХДП аъзоси бирлашган. Туман кенгаши бозор иқтисодиёти шароитида маънавий ва маърифий соҳаларга эътибор бериб, давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда оммавий ва қизиқарли тадбирларни ўтказмоқда. Хусусан, туман халқ таълими бўлими ва спорт қўмитаси билан ҳамкорликда «Ватан ҳимоячилари куни» ҳамда 9 май қунига бағишлаб ўтказилган йиғинлар кўпчиликда яхши таассурот қолдирди. Шунингдек, «Маънавият ва маърифат» маркази туман ва халқ таълими бўлимлари билан бирга ҳар бир мактабда «Маърифат бурчаклари» ташкил этганмиз. «Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамғармаси томонидан уюштирилган вилоят семинарини ўтказишда ҳам қараб турмадик. Туман кенгаши биноси хоналардан бирини туман тадбиркорлар палатасига ажратиб, бу ерни иқтисодиёт билан боғлиқ турли шиорлар, лавҳалар ва расмлар билан безатилиши ҳам самарали кечмоқда.

«Истиқбол» ижара ширкатлар бирлашмаси ҳудудий бошланғич партия ташкилотининг ҳаракати билан маиший хизмат кўрсатиш йўлга қўйилди. «Нурафшон» ижара ширкатлар бирлашмаси ҳудудий бошланғич партия ташкилоти котиби Т.Жўраев эса тегирмонни муддатида фойдаланишга топширилишида камарбаста бўлиб турди. «Тараққиёт» ҳудудий партия ташкилоти котиби Э. Ҳайитбоев ҳам хўжаликда маиший хизмат кўрсатиш марказини очишга эришди. Ана шундай фаол ҳаракатлардан кейин 32 нафар кишi иш билан таъминланди. Оқбулоқ қишлоғида 50 ўринли шифохона шўъбасини иш бошлашида партиядошларимиз хизмати ҳам бор. Туманда ХДП аъзолари сафи тобора кўпайиб бормоқда. Биз эса йўлбошчимиз йўл-йўриқлари ва ҳукуматимиз қарорларини ҳаётга тадбиқ этиб, янгича ўй-фикрлаш билан самарали меҳнат қилишга ёшларни чорлайверамиз.

Мирзо АНВАР

Суҳбатдош ҳақида қисқача маълумот:

Алиқобул Ўсганов ЎзХДП Зарбдор тумани кенгаши биринчи котиби. Иш фаолиятини бошлаганига 4 йилдан ошди, 'халқ таълими аълочиси.

Қорақалпоғистон фаоллари йиғилиши

Нукус. Бу ерда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси мажлислар залида республика фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Фаоллар йиғилиши мамлакатимиз Президенти И. А. Каримовнинг оилавий тантаналар, тўйлар, маърака-маросимлар, марҳумлар хотирасига бағишланиб ўтказиладиган тадбирлар ҳақидаги Фармони ва ундан келиб чиқадиган вазифаларга бағишланди. Бу ҳақда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг ўринбосари Т.Ж Отамуродов маруза қилди.

Маърузачи ва музокараларда қатнашганлар кейинги йилларда оилавий тантаналар, тўйлар, маърака-маросимларда катта исрофгарчиликка йўл қўйилаётганлигини мисоллар асосида танқид қилдилар.

Фаоллар йиғилишида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси Темур Камолов республика фаоллари олдида турган муҳим вазифалар ҳақида гапирди.

Муҳокама қилинган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Фаоллар йиғилишида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси Х.А. Казиев, Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон Республикаси Кенгашининг биринчи котиби А. Х. Асанов қатнашдилар.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Хатлар, хатлар, хатлар

Газетхон...

...танқид қилади

Обуна бўлгим бор, аммо...

Иқтисодий қийинчиликларга қарамай, ўтган йили иккита газетага обуна бўлгандим. Йил давомида барча янгиликлардан бохабар бўлиб борарман-да деган умидим бор эди. Аммо бу хурсандчилигим узоққа чўзилмади. Йил бошида икки ойгина газеталарни олиб турдим. Шундан кейин эса, умуман ололганим йўқ. Бу ҳақда почтага ҳам бир неча маротаба мурожаат қилдим. Афсуски, фойдаси бўлмади.

Мана келгуси йилги обуна мавсуми бошланди. «Ўзбекистон овози»га обуна бўлиш ниятим йўқ эмас. Аммо, мени бир нарса ўйлантиради. Обуна бўлсам, йил давомида мунтазам равишда газета олармиканман?

Мардон ҲУДОЙҚУЛОВ,
Денов тумани, Чонтош маҳалласи

... нажот кутади

Ҳақиқат қарор топадими?

Турмуш ўртоғим Тоғаймурод Йўлдошев мана саккиз ойдирки, Термиздаги қамоқхонада. У ноҳақдан қамалди. Унга қўйилган айблар ғайриқонуний бўлиб, Бобур номли жамоа хўжалиги ҳисобчилари томонидан ҳужжатлар сохталаштирилган. Чунки улар орасида зиддиятлар бўлган экан. Эримнинг айби йўқлигига юрак-юрагимдан ишонаман.

Оиламиз катта. Саккиз нафар фарзандни боқиш оғир кечаяпти. Болаларим ҳам қийналиб кетди. Ёрдам берадиган ҳеч кимимиз йўқ.

Эндиги ёлғиз умидим сизлардан. Адолат билан текшириб, ноҳақдан туҳмат билан қамоқда ётган инсонни озод қилишда ёрдам берарсизлар деган умид билан:

Ойимхол САМАНДАРОВА,
Олтинсой тумани,
Бобур номли жамоа хўжалиги

.... таклиф қилади

Эскича қараш қачонгача?

Бошқа вилоятларни билмадиму аммо бизнинг Сурхондарёда пахта мавсуми бошлангандан буён бозорлар ёпиқ ҳисоби. Ишлаганда ҳам тайини йўқ. Милиция ходимлари тижоратчи-ю, бозорга келганларни қувлагани қувлаган. Асосий дарвозалар ҳам берк. Нарх-наво эса кундан кунга «ўсиб» кетяпти. Ахир бу янги ҳаётга эскича қараш эмасми? Қачонгача бозорлар ишламайди? Таклифимиз: бозорлар аввалгидек ишласа яхши бўларди-да.

Бир гуруҳ фахрийлар номидан
Н. ОРТИҚОВ

... хабар беради

Ун кўпаядиган бўлди

Шароф Рашидов номидаги Шўрчи дон маҳсулотлари ҳиссадорлик жамиятида бир кеча-кундузда 61 тонна буғдойни қайта ишлаш қувватига эга бўлган иккинчи кичик тегирмон ишга туширилди. Швейцариянинг «Бюллер» фирмаси жиҳозлари билан қайта таъмирланган ушбу тегирмонда «Ўзбекистон» навли ун ишлаб чиқарилмоқда. Бу ерда 40 дан ортиқ киши иш билан таъминланган. Энди жамият бир кеча-кундузда 661 тонна буғдойни қайта ишлаб, ун чиқариш қувватига эга бўлди.

Шерали ЗАФАРОВ,
Шўрчи тумани

Сурхондарёлик газетхонлар хатларини «Ўзбекистон овози» мухбири Абдумалик ҲАЙДАРОВ саралади

Етук мутахассислар — тараққиёт омили

Тошкентдаги Абу Райҳон Беруний номидаги техника университети ҳузуридаги олий инженерлик педагогика институтида «Юксак малакали мутахассислар — тараққиёт омили» мавзуида илмий-услубий конференция ўтказилди. Республиканинг турли шаҳридан тўпланганлар мутахассис ва олимларнинг «Техника олий ўқув юртларида мутахассислар тайёрлаш ва малака ошириш: тажриба ва муаммолар», «Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур ва ўқитувчилар малакасини ошириш», «Нефть ва газ соҳасини мутахассислар билан таъминлаш», «Иновацион таълимда малака ошириш» каби мавзуларда маърузалар тингладилар.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ



Санъатнинг туғилиши

Замин кўзда қўйилади

Айни куз авжида рўй берадиган қуйидаги манзарани кўз олдингизга келтиринг: мактаб ўқувчилари, ташкилот ва корхона ходимлари асосий ишларини қўйиб пахта терими билан банд. Вилоят ва туманларнинг турли соҳа раҳбарлари хўжаликларга вакил қилиб юборилган. Ҳамма нарса пахта йиғим-теримига йўналтирилган. Телефон алоқалари турли идоралар ўртасида терим билан боғлиқ маълумотларни узатишдан бўшамайди. Лекин ялпи сафарбарлик, асабий кучанишлар авжига чиққан билан асосий кўрсаткич — пахта топшириш бўйича кунлик ўсиш борган сайин ёниб бўлган шамдай қуйи кетмоқда. Нега? Ҳамма гап шундаки, қозонда йўқлиги учун чўмичга чиқмаяпти. Бунга сабаб нима? Ёзда экин етарли озуқа ва ишлов ололмаган. Ғўза ривожи кечикиб кетишига экин-тикиннинг чўзилиши сабаб бўлган. Бу мавсумнинг қулай фурсатда ўтказилмаганлиги ернинг экишга тайёр бўлмаганлиги туфайли деб изоҳлашади. Тўғрида, вақтида бажарилиши керак бўлган юмушлар — ерни шудгорлаш, экиш техникасини созлаш, суғориш шаҳобчаларини тозалаш, шўр ювиш айни экиш мавсумига келиб тақалгандан сўнг яна нима кутиш мумкин?!

Ҳосил йиғим-терими пайтида дўппи тор келиб қолмаслиги учун ишни бошидан пухта қилиш керак. Буни тажрибали деҳқонлар яхши билишади. Афсуски, айрим ношудҳўжалик раҳбарлари агротехник тадбирларни амалга оширишда талабчанликни бўшаштириб юборяптилар, оқибатда юмушларнинг муддат ва қоидалари қўпол равишда бузилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг куни кеча матбуотда эълон қилинган «1999 йил ҳосили учун кузги-қишки агротехника тадбирларини ўз вақтида ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бундай хатоларни такрорламасликка даъват этади. Қарорда аксарият хўжаликларда бугун ҳам жиддий камчиликлар рўй бераётганлиги кескин танқид қилинган.

Мамлакатимизда кузги-қишки тадбирларнинг ўтказилиши билан яқиндан танишсак, бу хавотир асосли эканлигига ишонасиз. Бу йил кузда республика бўйича 1 миллион 415 минг гектар майдон шудгорланиши керак бўлса, тезкор маълумотларга кўра 19 ноябргача атиги 413,6 минг гектар ер ҳайдалган. Мазкур кўрсаткич ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 84,4 минг гектар камлигини қандай баҳолаш мумкин? Негаки, майдонларни ғўзапоядан тозалаш, мавжуд техникани ишлатиш талабга жавоб бермайди. Кузги шудгор, айниқса, Қашқадарё, Бухоро, Навоий, Сирдарё вилоятларида суст боряпти. Бухоро вилоятида 110 минг гектар майдон қўш ярусли плугда ҳайдалиши мўлжалланган, бугунгача бундай усулда шудгор атиги 19,6 минг гектар ерда амалга оширилди.

Ҳукумат қарорида кузги шудгор олдидан ерга ўғит солиш қониқарсиз аҳволда эканлиги таъкидланган. Ҳақиқатан ҳам, республика бўйича фосфорли ўғит солиш 12,3 фоиз, калийли ўғит солиш 1 фоиз бажарилган, маҳаллий ўғит мавжуд майдонларнинг 8,8 фоизига берилган, ҳолос. Ҳолбуки, куздаги ўғит тупроқ орасида чириб, ернинг унумдорлигини оширади. Ҳозир бой берилган фурсатни кейин тиклаш имкони йўқ.

Баъзи хўжалик раҳбарлари, мутахассислар куз пайтида йиғим-терим билан қаттиқ банд эканликларини баҳона қилишлари мумкин. Лекин кузги-қишки юмушлар қулай муддатларда бажарилмаса, келгуси кузда яна бу йилги танг ҳолатга тушиш ҳеч гап эмас.

Кузги шудгорлашда мавжуд ҳайдов тракторларидан унумли фойдаланиш зарур. Бунинг учун машина-трактор паркларида, хўжаликларда 11,299 та ҳайдов тракторі, шу жумладан, 1551 та «Магнум» типидаги техника воситаси мавжуд. Тракторларга иш фронти ажратилмаганлиги, етарли ёқилғи-мойлаш ашёлари билан таъминланмаганлиги оқибатида шу кунларда жами 5631 ҳайдов техникаси (шундан 1128 таси «Магнум») ишлатилмоқда. Ҳар бир агрегат унумдорлиги Фарғона, Хоразм вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикасида 4-5 гектардан ошмаяпти.

Кузнинг шу кунлари дала ишларини тез ва соз адо этиш учун қулай келмоқда. Лекин аксарият туманларда, хўжаликларда бу фурсат бой берилмоқда. Маълумки, йиғим-терим мавсуми мобайнида кунлик ўсишни таъминлай олмаган қатор раҳбарлар жазоландилар. Ҳосил тақдирини ҳал қилишда муҳим палла ҳисобланмиш — кузги-қишки тадбирларни бажаришда сусткашликка, ўзибўларчиликка, лоқайдликка йўл қўяётган масъул раҳбарлар улар тақдиридан тегишли хулосалар чиқаришса ёмон бўлмасди.

Вазирлар Маҳкамаси қарорида бу хил муносабат жиноятқоронасовуққонлик ҳолати сифатида баҳоланган.

Шундай экан, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» давлат кооператив қўмитаси, агросаноат мажмуини бошқаришнинг бошқа ташкилотлари ҳозирдан келгуси йил ҳосилига пухта замин қўйиш ҳақида астойдил ҳаракат қилишлари зарур.

Шуҳрат ЖАББОРОВ,
иқтисодий шарҳловчи

Қарор ва ижро

Иттифоқчиларнинг янги ғалабаси

Толибонларга қарши иттифоқ раҳбари Аҳмад Шоҳ Масъуд қўшинлари янги катта ғалабага эришдилар. Улар толибонларга қарашли Кобулдан 80 километр шимоли шарқдаги Нажраб шаҳрини осонлик билан эгаллаб олишди. Бундан ташқари толибонлар эгаллаб турган бешта қишлоқни бирйўла озод қилишди. Толибонлар авиациядан унумли фойдаланишган бўлишса ҳам ушбу маконларни асраб қолишолмади. Улар Нажраб шаҳрини ташлаб кетаётиб, унинг кварталларини бомбардимон қилишди. Натижада 10 та фуқаро ҳалок бўлди. Масъуднинг вакили Муҳаммад Орифнинг айтишига кўра ҳозирги пайтда Ишкамиш ва Бўрка шаҳарлари учун қизғин жанглар кетмоқда. Энди Масъуд қўшинлари Кобулдан 60 километр узоқликда жойлашган Тағабу шаҳрига ҳужум қилишмоқчи.

Осиёдаги барқарорлик учун

Япония ва Жанубий Кореяга сафар қилаётган АҚШ Президенти Билл Клинтон Токиодан ҳамон Осиёда барқарорлик ва иқтисодий ўсишни таъминлаш бўйича қатъий қарорлар қабул қилишни кутмоқда. Билл Клинтоннинг сўзларига қараганда эндиликда Осиёдаги улкан иқтисодий қийинчиликларни бартараф этиш пайти келди. У бош вазир Кейдзо Обутига йўллаган мактубида Япония ҳозирча ўз иқтисодиётини йўлга қўйиш бўйича тегишли тадбирларни амалга оширмаганлигини эслатиб ўтди.

Токиодаги музокаралар вакили Клинтон Японияниг балиқ ва ўрмон саноати маҳсулотларини импорт қилиш нархларини пасайтиришдан воз кечганлиги масаласини кўтармоқчи. Америкаликлар буни кечириб бўлмас хато деб баҳолашмоқда.

ҲАФТАНИНГ КЎРСАТУВЛАРИ

ДУШАНБА 23

«Ўзбекистон» телеканали

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.40 «Таҳлилнома».

* * *

8.40 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
9.05 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Ўлмас мерос».
9.25 «Жаҳон спорти».
9.35 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 Кино янгиликлари.
10.20 «Сенимм, шошмай тур». Мультфильм.
10.40 Кундузги сеанс. «Эртаклар тарк этган дара». Бадиий фильм.
12.05 Ўзбекистон телерадиокомпанияси камер оркестрининг концерти.
12.35 «Элга кирсанг, элдек бўл».
13.00 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув.
13.20—14.00 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи» почтасидан.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Кичкинтоймиз — гижингтоймиз».
18.30 «Олам ва одам».
18.45 «Таянч нуқтаси».
19.05 «Қалдирғоч». Мусиқий дастур.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 22.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 Биржа ва банк хабарлари.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Иқтисод ва биз».
21.30 «Устозлар даврасида». Мусиқий дастур.
22.05 «Сиёсат оламида».
22.25 «Маънавият» дастури.
23.10 А. Орипов. «Соҳибқирон». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театри спектаклининг премьераси. 1-қисм.
00.30 «Ахборот».
01.00—01.05 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади. (Янгиликлар, «Жажжи давра», Мультфильм).
18.40 «Хонадон».
18.55 Мусиқий лаҳзалар.
19.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
19.25 «Нигоҳ».
19.40, 20.30, 22.25 — Эълонлар.
19.45 «Морена Клара». Телесериал.
20.30 «Жаҳон». Халқаро шарҳ.
20.55 «Ёшлар куйлаганда».
21.05 «Буюк юрт фарзандиман».
21.15 Араб эстрадаси.
21.30 «Маслаҳат».
21.50 «Ёшлар» телеканалида.
21.55 Мусиқий клип-антракт.
22.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
22.30 Синема. «Аҳмад қаёқда?». Комедия.
23.55 Спорт-қитъаси.
00.25 Хайрли тун!

ТРК

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «ДАРАКЧИ».
18.10 «Мухлис — ТВ».
18.30 Болалар учун. «Эя ва унинг дўстлари ҳузурида».
18.45 «Санта-Барбара». Телесериал.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «Сен ҳақингда ва сен учун».
20.15 «Бурч ва масъулият».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Таггерт». Телесериал.
21.55 «Дорихона эшитади...».
22.25 Телефакт.
22.40 «ДАРАКЧИ».
22.50 «ТТВ-мусиқаси».
23.20 «Минг бир ҳикмат».
23.30 Оҳанглар ва эълонлар.
23.40 Саргузашт фильмлар экрани.
01.20 «Хайрли тун, шаҳрим!».

«Халқаро» телеканали

16.45 Кўрсатувлар тартиби.
16.50 «Мультсайёра».

*

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси

*

Россия жамоат телевидениеси
18.45 «Тиғиз пайт».
19.05 Душанба куни Познер билан. «Никобдаги киши» дастури.
19.45 «Соялар чошгоҳда йўқолади» сериалининг янги талқини.
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».

*

21.35 «Муҳаббат тарихи». Телесериал. 137-қисм.
22.20 «Оламда нима гап?». Ахборот кўрсатуви.
22.25 «Замонавий дизайн».
22.45 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
23.00 «Вести».
23.30 «Иф қалъасининг маҳбуси». «Аббат Фариа». Бадиий фильм. 1-қисм.
00.35 «Ахборот» (рус тилида).
01.00 Тунги сеанс: «А—2 лойиҳаси». Бадиий фильм.
02.40—02.45 Тунингиз осуда бўлсин!

СЕШАНБА 24

«Ўзбекистон» телеканали

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.30 «Ахборот».

*

8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.45 Лирик тароналар.
9.15 «Чолиқуши». Телевизион бадиий фильм. 5-қисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 Алифбо сабоқлари.
10.30 Кундузги сеанс: «Жаноб «Р». Бадиий фильм.
12.05 «Мактублар-кабутарлар».
12.30 «Рақс, рақс, рақс...»
12.50 «Қизлар давраси».
14.10—14.50 «Қувноқ стартлар». Телемусобақа.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Қўшиғим жон қўшиғим».
18.30 Синхрон сузиш бўйича «Сув париси». Халқаро турнири.
18.50 «Ҳамкорлик маҳсули».
19.05 «Қонун ва ижро».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 22.05 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «Куз таровати».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Акс садо».
21.35 «Санъаткор саодати». Қувондиқ Искандаров.
22.10 А. Орипов. «Соҳибқирон». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театри спектаклининг премьераси. 2-қисм.
23.10 «Ўзлигинг намоён қил». Экранда — Наманган вилояти.
23.45 «Ахборот».
00.15—00.20 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади. («Эркатой», Мультфильм).
18.40 «Солиқ ҳақида сабоқлар».
18.55 Мусиқий лаҳзалар.
19.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
19.25 «Ёшлар ва спорт».
19.40, 20.30, 22.25 — Эълонлар.
19.45 «Морена Клара». Телесериал.
20.35 «Ғазал соғинчи».
20.50 Сиз севган хонанда: Илҳом Фармонов.
21.05 «Марду-майдон».
21.25 «Ўзбектелефильм» намойиш этади. «Хиванинг меъморий обидалари».
21.45 «Ёшлар» телеканалида.
21.50 Шарқ эстрадаси.
22.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
22.30 Синема. «Мариядан юз ўгириб». Детектив.
24.00 Хайрли тун!

ТРК

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «ДАРАКЧИ».
18.10 «Ёрилтош». Мультфильм.
18.25 «Санта-Барбара». Телесериал.
19.10 «Тошкент ва тошкентликлар».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «Онагинам».
20.20 Мусиқий лаҳзалар.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Таггерт». Телесериал.
21.50 «Кўзгу».
22.10 «Хайрли оқшом».
22.40 «ДАРАКЧИ».
22.50 «Гуллар юртининг дурдоналари». Телефильм.
23.00 Оҳанглар ва эълонлар.
23.10 Видео—«О».
00.50 «Хайрли тун, шаҳрим!».

«Халқаро» телеканали

Россия жамоат телевидениеси
7.30—9.00
16.45 Кўрсатувлар тартиби.
16.50 «Мультсайёра».

*

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси

*

Россия жамоат телевидениеси
18.45 «Тиғиз пайт».
19.05 «Мавзу».
19.45 «Соялар чошгоҳда йўқолади». Сериал.
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».

*

21.35 «Муҳаббат тарихи». Телесериал. 138-қисм.
22.20 «Оламда нима гап?». Ахборот кўрсатуви.
22.25 «ТВ-4 да немис тўлқини».
22.45 «Менинг шаҳрим».
23.00 «Вести».
23.30 «Иф қалъасининг маҳбуси»: «Граф Монте Кристо». Бадиий фильм. 2-қисм.
00.35 «Касбга назар».
00.50 «Ахборот» (рус тилида).
01.15 Тунги сеанс: «Ҳаммангизни яхши кўраман». Кинокомедия.
02.55—03.00 Тунингиз осуда бўлсин!

ЧОРШАНБА 25

«Ўзбекистон» телеканали

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.30 «Ахборот».

*

8.30 «Оҳанглар жилоси». Мусиқий дастур.
8.55 «Саломат бўлинг». Спорт дастури.
9.10 «Чолиқуши». Телевизион бадиий фильм. 6-қисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Талаб ва таклиф».
10.30 Янги алифбони ўрганамиз.
11.00 «Сарғайган саҳифалар». Адабий кўрсатув.
«Умид» намойиш этади:
11.20 «Вақтинг кетди...»
11.40 «Ғазалхон ёшлигим».
12.05 «Акс садо».
12.35 Кундузги сеанс: «Қамоқ муддати ўтгунча». Бадиий фильм.
14.10—14.40 Ўзбек куйларидан концерт.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Ўсмирлар учун. «Сени Ватан кутади».
18.30 «Фермер».
18.45 «Дунё чиройли». Мусиқий дастур.
19.05 «Сиҳат-саломатлик».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 22.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «Таълим-тарбия миллий дастури — амалда».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Тафсилот».
21.30 «Равзаи жаннат боғи». Мусиқий дастур.
22.05 «Адолат мезони».
«Тунги ҳамроҳ»:
22.30 «Билим-ринг».
23.10 «Соғинчли салом».
23.30 «Ёшлар ва эстрада».
23.55 «Ахборот».
00.25—00.30 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади. («Спорт майдончаси», Мультфильм).
18.40 «Семурғ». Ўсмирлар учун ахборот-кўнгилочар дастур.
18.55 Мусиқий клип-антракт.
19.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
19.25 «Ракурс». Ёзувчи Тохир Қаҳхор.
19.50 Муҳаббат наволари.
20.00 Спорт-лотто.
20.10 «Лаззат».
20.25, 22.25 — Эълонлар.
20.30 Ринг.
20.45 «Рақслар қанотида». Балерина Нозима Умарова.
21.05 «Авторейд».
21.15 «Ёшлик куйлайди».
21.35 «Эркин фикр». Раҳбар қиёфаси ҳақида.
21.55 «Ёшлар» телеканалида.
22.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
22.30 Футбол. УЕФА кубоги.
24.00 Ҳаммаси мода ҳақида.
00.20 Хайрли тун!

ТРК

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «ДАРАКЧИ».
18.10 «Ёрилтош». Мультфильм.
18.25 «Санта-Барбара». Телесериал.
19.10 «Тошкент ва тошкентликлар».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «Онагинам».
20.20 Мусиқий лаҳзалар.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Таггерт». Телесериал.
21.50 «Кўзгу».
22.10 «Хайрли оқшом».
22.40 «ДАРАКЧИ».
22.50 «Гуллар юртининг дурдоналари». Телефильм.
23.00 Оҳанглар ва эълонлар.
23.10 Видео—«О».
00.50 «Хайрли тун, шаҳрим!».

«Халқаро» телеканали

Россия жамоат телевидениеси
7.30—9.00
16.45 Кўрсатувлар тартиби.
16.50 «Мультсайёра».

*

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси

*

Россия жамоат телевидениеси
18.45 «Тиғиз пайт».
19.05 «Инсон ва қонун».
19.45 «Соялар чошгоҳда йўқолади». Сериал.
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».
21.35 «Муҳаббат тарихи». Телесериал. 139-қисм.
22.20 «Оламда нима гап?». Ахборот кўрсатуви.
22.25 «Дурдаршан».
22.45 «Муъжизалар юрти».
23.00 «Вести».
23.30 «Технопарк-2000».
23.45 «Иф қалъасининг маҳбуси»: «Интиқом». Бадиий фильм. 3-қисм.
01.20 «Ахборот» (рус тилида).
01.45 Тунги сеанс: «Одамато қовурғаси». Бадиий фильм.
02.55—03.00 Тунингиз осуда бўлсин!

ПАЙШАНБА 26

«Ўзбекистон» телеканали

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.30 «Ахборот».

*

8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.45 «Аёл қалби наволари». Мусиқий дастур.
9.10 «Чолиқуши». Телевизион бадиий фильм. 7-қисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Инсон ва замин». Тележурнал.
10.25 «Томчи».
10.40 «Яшил чироқ». Телемусобақа.
11.20 «Маърифат маскани».
12.05 Кундузги сеанс. «Дастлабки тергов». Бадиий фильм.
13.35 «Ажаб саодат эрур...». Бадиий-публицистик кўрсатув.
14.10 Осиё ўйинлари олдидан. «Бангкокдан Сиднейгача».
14.25—14.55 «Соз сеҳри». Мусиқий дастур.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Ўсмирлар учун. «Умид учқунлари».
18.35 «Юксалиш».
18.50 «Харита». Халқаро шарҳ.
19.05 «Ҳидоят сари».
19.25, 20.25, 21.00, 22.40 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Юзма-юз».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Мен нечун севаман Ўзбекистонни». Публицистик кўрсатув.
21.40 «Назм ва наво». Фузулий лирикаси.
22.10 «Миллий таълим уфқлари».
22.45 «Сомон йўли».
23.45 «Қиёфа».
00.15 «Ахборот».
00.45—00.50 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади. («Бўш ўтирма», Мультфильм).
18.40 «Мезон».
18.55 Мусиқий клип-антракт.
19.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
19.25 «Тараққиёт».
19.40, 20.30, 22.25 — Эълонлар.
19.45 «Морена Клара». Телесериал.
20.35 «Мушоира».
20.45 «Мутойиба». Футбол ҳангомалари.
21.05 «Одамлар орасида».
21.35 Мусиқий лаҳзалар.
21.40 «Ёшлик формуласи».
21.55 «Ёшлар» телеканалида.
22.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
22.30 Футбол. Чемпионлар лигаси.
24.00 «Дойче Велле» тақдим этади...
00.20 Хайрли тун!

ТРК

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «ДАРАКЧИ».
18.10 «Ёрилтош». Мультфильм.
18.20 «Билиб қўйган яхши».
18.35 «Санта-Барбара». Телесериал.
19.15 Мусиқий дақиқалар.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «ТВ ва театр».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Қалдирғоч». Қисқа метражли бадиий фильм.
21.45 «Куйла, ёшлигим». Шуҳрат Воҳидов.
22.10 «Қўнғир айиқ ҳақида». Телефильм.
22.35 «ДАРАКЧИ».
22.45 Ҳудуд «М». Ёшлар дастури.
23.05 «Яхши кайфият».
23.35 Оҳанглар ва эълонлар.
23.40 «Видео-«О».
01.20 «Хайрли тун, шаҳрим!».

«Халқаро» телеканали

Россия жамоат телевидениеси
7.30—9.00

*

16.45 Кўрсатувлар тартиби.
16.50 «Мультсайёра».

*

17.10—18.45 Туркия телевидениеси

*

Россия жамоат телевидениеси
18.45 «Тиғиз пайт».
19.05 «Эслашлари учун...» Юрий Каморний. Л. Филатов олиб боради.
19.40 «Соялар чошгоҳда йўқолади». Сериал.
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».

*

21.35 «Муҳаббат тарихи». Телесериал. 140-қисм.
22.20 «Оламда нима гап?» Ахборот кўрсатуви.
22.25 «02» тўлқинида.
22.40 «Спорт-клуб».
23.00 «Вести».
23.30 «Кино сайёраси».
23.50 Кинематограф: «Тарзан».
01.55 «Ахборот» (рус тилида).
02.20 «Оддий муъжизалар». Телефильм.
03.05—03.10 Тунингиз осуда бўлсин!

ЖУМА 27

«Ўзбекистон» телеканали

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.30 «Ахборот».

*

8.30 Мумтоз наволар.
8.50 «Юртим жамоли». Публицистик кўрсатув.
9.10 «Спорт кошоналари».
9.25 «Зийнат».
9.40 «Халқ ижодиёти».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Жараён».
10.35 Немис тили.
11.05 «Меъёр».
11.30 «Кучукча ва эски шиппак». Мультфильм.
11.40 «Ботма, қуёш».
12.05 Кундузги сеанс. «Қадимги шўхликлар». Бадиий фильм.
13.20 «Қўшиқ — маънавият кўзгуси».
14.10—15.10 «Санамлар сарвари».

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Санъат ғунчалари».
18.25 Синхрон сузиш бўйича «Сув париси» Халқаро турнири якунларига доир.
18.45 «Тилга эътибор».
19.05 «Имконият».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 22.35 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «Шеър ва шуур».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Мавзу».
22.05 «Саболарда аён этсам». Мусиқий дастур.
22.40 Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 6 йиллиги олдидан. «Инсон манфаатлари йўлида».
23.00 «Чироғи ёниқ уй». Телетанлов.
23.25 «Ахборот».
«Мунаввар дунё». Дам олиш дастури:
23.55 «Азиз сиймолар».
00.15 Бадиий фильм.
01.35—01.40 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади. («Келинг, танишайлик», Мультфильм).
18.40 «Ҳуқуқ ва бурч». Конституция ва ёшлар.
18.50 Мусиқий лаҳзалар.
19.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
19.25 «Шабнам».
19.40, 20.30, 22.25 — Эълонлар.
19.45 «Морена Клара». Телесериал.
20.35 «Автосалтанат».
20.45 «Азизим».
21.10 «Дунё спорти».
21.25 Ҳожибой қизиқ: «Танимадинг-а...». 2-кўрсатув.
21.55 «Ёшлар» телеканалида.
22.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
22.30 Синема. «Садоқат». (Ҳиндистон). 1-2 қисм.
01.10 «Мунаввар тонг истаб!».

ТРК

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «ДАРАКЧИ».
18.10 «Ёрилтош». Мультфильм.
18.35 «Санта-Барбара». Телесериал.
19.15 «Жозиба».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
20.20 «Кузги кўргазма». Манзарали фильм.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Жума оқшомида».
21.35 «Адабий иқлим».
21.50 «Умр дафтари».
22.05 «Ишдаги ишқ ёки...»
22.25 «ДАРАКЧИ».
22.35 «Спорт оламида».
23.05 Оҳанглар ва эълонлар.
23.15 «Кинонигоҳ». Ирландия фильм.
01.25 «Хайрли тун, шаҳрим!».

«Халқаро» телеканали

Россия жамоат телевидениеси
7.30—9.00

*

16.45 Кўрсатувлар тартиби.
16.50 «Мультсайёра».

*

17.10-18.45 Туркия телевидениеси

*

18.45 «Биринчи бўса». Қисқа метражли бадиий фильм.
Россия жамоат телевидениеси
19.15 «Сиҳат-саломатлик».
19.45 «Мўъжизалар майдони».
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».

*

21.35 «Муҳаббат тарихи». Телесериал. 141-қисм.
22.20 «Оламда нима гап?». Ахборот кўрсатуви.
22.25 «Сизнинг адвокатингиз».
22.40 «Вести».
23.10 «Дил изҳори».
23.30 «Оскар» совриндорлари антологияси».
23.45 «Йўл». Бадиий фильм. (1956 йил).
01.30 «Ахборот» (рус тилида).
01.55 Тунги сеанс: «Сира бундай қилма». Кинокомедия (Франция-Испания).
03.25—03.30 Тунингиз осуда бўлсин!

ШАНБА 28

«Ўзбекистон» телеканали

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.30 «Ахборот».

*

8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.45 «Мусиқа бўстони». Телеальманах.
9.05 «Шоҳруҳ» клуби.
9.25 «Ҳатларда — ҳаёт акси».
«Умид» намойиш этади:
9.55 «Очиқ дарс».
10.15 «Соғлом авлод учун».
10.35 «Шу Ватанга бордур менинг керагим».
10.55 «Ўйла, Изла, Топ». Телебеллашув.

*

11.40 «Қиш мавсумига шаймисиз?». Бевосита мулоқот.
12.30 «Телевизион миниатюралар театри».
13.05 Кундузги сеанс: «Оловли йўл». Бадиий фильм. 1-серия.
14.30 «Мен туғилган тупроқ».
14.45 «Бўстон». Тележурнал.
15.15—15.45 Ёш ижрочилар концерти.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Болалар учун. «Фламинго».
18.20 «Мувозанат». Ахборот-таҳлилий кўрсатув.
18.40 «Бахтли воқеа».
19.25, 20.25, 21.00, 22.20 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 Оқшом эртаклари.
20.10 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.20 «Жаҳон спорти».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Халқ кўнгли». Адабий кўрсатув.
21.30 «Ҳамма кўриши шарт... эмас». Мусиқий-дам олиш дастури.
22.25 «Олтин тўп». Спорт дастури.
22.40 «Ахборот».
«Тунги ёғду». Дам олиш дастури:
23.10 «Куй ва тасвир».
23.30 «Макаллум». Бадиий фильм. 3-серия.
00.30—00.35 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Янги авлод» студияси намойиш этади. («Бугуннинг боласи», «Спорт майдончаси», «Бўш ўтирма»).
9.50 «Ёшлар куйлаганда».
10.00 «Хонадон».
10.15 «Ёшлар» телеканалида.
10.20 «Ракурс». Ёзувчи Тохир Қаҳхор.
10.45 Мусиқий лаҳзалар.
10.55 «Ёшлар ва спорт».
11.10 Танишинг: Дилшод Жўраев.
11.25 «Эркин фикр». Раҳбар қиёфаси ҳақида.
11.45 «Яхши, ёмон йигитлар». Телесериал.
12.30 «Мутойиба».
12.50 «Ёшлик формуласи».
13.05 «Ғазал соғинчи».
13.20 «Рақслар қанотида». Балерина Нозима Умарова.
13.40 «Маслаҳат».
14.00 «Синбад». Телесериал.
14.45 Шу куннинг мавзуси.
15.05 «Синема».
16.40 «Дойче Велле» тақдим этади...
16.50 «Жаҳон жуғрофияси».

* * *

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади. (Янгиликлар, «Олтин калит», Мультфильм).
18.40 «Хуш келибсиз!».
18.55 Мусиқий лаҳзалар.
19.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
19.25 «Агарда сиз...»
19.40, 20.30, 22.25 — Эълонлар.
19.45 «Яхши, ёмон йигитлар». Телесериал.
20.35 Бизнес академия.
20.55 «Дилбарим».
21.15 Интерфутбол.
21.35 «Туйғу».
21.55 «Ёшлар» телеканалида.
22.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
22.30 «Синема». «Қоя». Жангари фильм.
00.20 Шарқ оҳанглари.
00.35 Хайрли тун!

ТРК

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Ёрилтош». Мультфильм.
8.20 «ТВ ва театр».
8.45 «Ишдаги ишқ ёки...»
9.05 Дилором наволар.
9.20 «Сансет Бичнинг муҳаббати ва сирлари». Телесериал.
10.05 «Ёввойи табиат».
10.30 «Муаллиф».
11.00 Болажонлар экрани.
12.30 «Эверест-98».
12.50 «Билиб қўйган яхши».
13.05 В. Шекспир. «Қирол Лир». А. Ҳидоятов номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.
15.50 «Онагинам».
16.10 «Бева Бланка». Телесериал.
16.55 «Тошкент ва тошкентликлар».
17.10 «Ёш ёзувчининг қундалиги». Қисқа метражли бадиий фильм.
17.40 Жозиба.
17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «ДАРАКЧИ».
18.10 «Ёрилтош». Мультфильм.
18.30 «Табиат шифохонаси».
18.45 «Қонун ҳимоясида».
18.55 «Ер курраси».
19.15 Мусиқий танаффус.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «Олис юлдуз шуъласи».
20.20 Дилором наволар.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Даллас». Телесериал.
21.55 «Ҳамшаҳарлар».
22.25 «ДАРАКЧИ».
22.35 «Кимлар туфайли...».
23.05 Эълонлар ва оҳанглар.
23.15 «Кинонигоҳ».
01.00 «Хайрли тун, шаҳрим!».

«Халқаро» телеканали

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «Кино сайёраси».
9.25 «Тарзан». Бадиий фильм.
11.30 «Байяр қасри калитлари». Телевизион ўйин.
13.00 «Кросс-Роудс» кафесига хуш келибсиз!».
13.30 «Биргаликда куйлаймиз».
14.15—14.35 «Умид».

* * *

17.10-18.45 Туркия телевидениеси

*

18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Бинафша».
19.10 «Чинсэн».
19.40 «Тенгдошлар».
19.55 «Тасвир-98».
20.10 «Ғузаллик ва мангулик ҳақида».
20.30 «Мусиқий олимп».

*

Россия жамоат телевидениеси
21.00 «Время».
21.35 «Махфий ҳужжатлар». Сериал.

*

22.30 «Кўнгил қолма, муҳаббатдан». Фильм-концерт.
22.50 «Ғаройиб рейс»: Бадиий фильм.
00.20 «Ахборот» (рус тилида).
00.45 Тунги сеанс. «Ҳаёт ташвишлари». Бадиий фильм.
02.10—02.15 Тунингиз осуда бўлсин!

ЯКШАНБА 29

«Ўзбекистон» телеканали

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.30 «Ахборот».

*

8.30 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
«Умид» намойиш этади:
9.15 «Талабалик йилларим».
9.40 «Дунё кўриб, дунёлар ярат».
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Ёзувчи ва замон».
11.25 «Ўзбекистон спортининг нуфузи».

*

11.40 «Вилоят хонандалари куйлайди».
12.15 «Болалигим — пошшолигим».
12.50 Кундузги сеанс: «Оловли йўл». Бадиий фильм. 2-серия.
14.15 «Ҳаёт рисоласи».
14.55—15.45 «Ҳамма кўриши шарт... эмас». Мусиқий-дам олиш дастури.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
18.25 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».
18.45 «Илм олами: 2000 йилдан сўнг».
19.00 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.25, 20.00, 20.25, 21.10, 22.20 — Эълонлар.
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида).
20.05 «Санъат олами».
20.30 «Таҳлилнома».
21.15 «Элга кирсанг, элдек бўл».
21.40 «Якшанба оқшомида». Мусиқий-дам олиш дастури.
22.25 «Ўзбекистон ифтихори». Бадиий спорт дастури.
23.05 ТВ—1 намойиш этади. Телеанонс.
«Аср мўъжизаси» кинодастури:
23.20 Кино янгиликлари.
23.35 «Ўзбек киноси ижодкорлари».
23.55 «Макаллум». Бадиий фильм. 4-серия.
00.55—01.00 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Янги авлод» студияси намойиш этади. («Олтин калит», Мультфильм).
9.50 «Қалб таронаси». Равшан Комилов.
10.05 «Бизнес-академия».
10.25 «Лаззат».
10.40 «Ёшлар» телеканалида.
10.45 «Буни кино дейдилар». Телесериал.
11.10 Цирк, цирк, цирк.
11.30 Ҳожибой қизиқ: «Танимадинг-а...»2-кўрсатув.
12.00 «Ўзбекистон» гуруҳи тақдим этади.
12.30 «Яхши, ёмон йигитлар». Телесериал.
13.15 «Бари ҳазил».
13.25 Интерфутбол.
14.00 Муҳаббат наволари.
14.10 «Синбад». Телесериал.
14.55 «Ўзбекистон қанотлари».
15.05 «Жаҳон жуғрофияси».
15.55 «Синема».
17.25 «Дунё ҳафта ичида».
17.45 Шабнам.

* * *

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади. («Катта танаффус», Мультфильм).
18.40 «Синфдош». Паркент тумани, Заркент қишлоғидан тайёрланган.
19.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
19.25 «Нафосат».
19.35, 20.25, 22.45 — Эълонлар.
19.40 «Яхши, ёмон йигитлар». Телесериал.
20.30 «Далил ва шарҳ».
20.40 «Мусиқа салтанати»: Ҳожиакбар Раҳматов.
21.00 «Пахтакор» — чемпион!».
22.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
22.25 Кинопрофи.
22.50 Синема. «Оқ пўртана». Драма.
00.35 Хайрли тун!

ТРК

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Ёрилтош». Мультфильм.
8.20 «Яхши кайфият».
8.50 «Умр дафтари».
9.15 «Сансет Бичнинг муҳаббати ва сирлари». Телесериал.
10.00 «Етти иқлим оҳанглари».
10.10 Болажонлар экрани. «Шоҳ Султон ҳақида эртак».
11.05 «Кимлар туфайли...».
11.35 «Адабий иқлим».
11.50 «Осойишталик истаб...»
12.05 «Туризм ҳақида».
12.35 С. Абдулла, Т. Жалил. «Тоҳир ва Зуҳра». Й. Охунбобоев номидаги Андижон вилоят драма театрининг спектакли.
14.50 «Бева Бланка». Телесериал.
15.35 «Спорт оламида».
16.05 Такрорий фильмлар экрани.
17.45 Дилором наволар.

*

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «ДАРАКЧИ».
18.10 «Мухлис—ТВ».
18.30 «Мультжумбоқ».
18.55 «Жавоҳирлар соҳили».
19.15 «Латифа».
19.25, 20.00, 20.25 — Эълонлар.
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида).
20.05 «Таманно».
20.20 «Талабларингизга биноан».
20.30 «Таҳлилнома».
21.10 «Даллас». Телесериал.
21.55 «Хива вақти билан соат 7 да». Фильм-концерт.
22.25 «ДАРАКЧИ».
22.35 «Мухлис—ТВ».
22.55 Оҳанглар ва эълонлар.
23.05 «Кинонигоҳ».
00.45 «Хайрли тун, шаҳрим!».

«Халқаро» телеканали

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «Эртакларнинг сеҳрли олами».
10.20 «Парле ву франса?».
10.45 «Бу ажиб дунё».
11.00 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
11.10 «Оскар» мукофоти антологияси».
11.25 «Улкан». Бадиий фильм.(1956 йил). 2-серия.
12.55 «Табиат билан танишув».
13.15—13.35 «Айчурек».

* * *

17.10—18.45 Туркия телевидениеси

*

18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Жонли сайёра».
19.10 «Мюзик-холл».
19.35 «Савоянинг ўгирланиши». Бадиий фильм.

*

Россия жамоат телевидениеси.
21.00 «Время».

*

21.45 «Юртим, сени куйлайман». Телефильм.
22.00 «Таҳлилнома» (рус тилида).
22.30 Якшанба кинозали: «Оқшом чўкканда, азизим». Бадиий фильм.
24.00—00.05 Тунингиз осуда бўлсин!



Vatanni sevmak iymondandur!

O'ZBEKISTON OVOZI

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1998 yil 21 noyabr, shanba № 139 (24.376).

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan

Юракка ўйилган битигим

Шеър ва шуур

Учиб юрар умрим қуши,
Мен товбага келган киши.
Бу кўнгилнинг яқин хеши
Борми-йўқми,
Борми-йўқ?!
Кўзларимга хоб тутма,
Лабларимга шароб тутма,
Қувонч бер, изтироб тутма,
Борми-йўқми,
Борми-йўқ?!
Юзларини ёмғир ювган,
Юраги оқ кўйлак кийган,
Менинг каби ёниб севган,
Борми-йўқми,
Борми-йўқ?!
Тунлар йиғлаб ўсдинг қани?
Туманларни тўсдинг қани?
Қани, яқин дўстинг қани?
Борми - йўқми,
Борми-йўқ?!
Кўнгилда меҳр дарахти!
Кўнгилда тангрининг тахти,
Зулфия Мўминнинг бахти,
Борми-йўқми,
Борми-йўқ?!

Устоз ҳақида китоб

Мамлакатимизда номи алоҳида эҳтиром билан тилга олинадиган сиймолардан бири академик-файласуф, қомусий олим, катта ватанпарвар, меҳрибон устоз ва ажойиб инсон Иброҳим Мўминовдир. Туғилганига 90 йил тўлаётган бу сиймо совет даврида ҳам ўзининг юрти, халқига хизмат қилишининг қўпларга сабоқ бўладиган қирраларини кўрсата олди.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Саид Шермуҳамедов устозга бағишланган рисоласида (Саид Шермуҳамедов. Қомусий олим. Масъул муҳаррир: сиёсий фанлар доктори, профессор Р.З. Жумаев. Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат миллий нашриёти. Т., 1998.) бу тўғрида батафсил ҳикоя қилади. Китобда И. Мўминовнинг файласуф олим бўлиб етишуви илмий публицистик руҳда баён қилинган. Бухоро ва Самарқанд муҳитида ўсганлиги ва ўқиганлиги, шунингдек, Ўзбекистон давлат университетини ташкил этишда фаол қатнашиб, у ерда ишлаганлиги маълум. Зеро И. Мўминов илмий-педагогик фаолиятининг илк даврида совет республикаси бўлган Ўзбекистонда ўтмиш маънавият, маданиятига муносабат қандай бўлганлиги ҳаммага маълум. Мавжуд аҳволни тушунган И. Мўминов ўзбек халқи фалсафий тафаккури тарихи билан немис мумтоз фалсафасини қўшиб ўрганишга киришди. Шу тариқа «Алишер Навоий — буюк маърифатчи», «Гегел фалсафасининг рационал мағзи» ва бошқа асарлар ёзилди.

Китоб муаллифи И. Мўминов фаолиятида Самарқанд ва Тошкент даврларини алоҳида кўрсатиб таъкидлайдики, агар қадимги шаҳарда файласуф илмий тадқиқотлар билан бирга биринчи навбатда ўқув ташкилий ишлар билан шуғулланган бўлса (масалан, биринчи бўлиб ўзбек тилида маърузалар ўқишни йўлга қўйган), пойтахтда 1955 йилдан Фанлар академиясининг вице-президенти сифатида ижтимоий-гуманитар соҳаси бўйича илмий-тадқиқот ишларини ташкил этди ва унга раҳбарлик қилди. Натижада тадқиқот ишлари таркиби ва мавзу доираси сезиларли даражада кенгайди, жамиятшунос олимлар сони ўсди, янги илмий муассасалар юзага келди. Жумладан, Фалсафа ва ҳуқуқ институти ташкил этилди.

Муаллиф ўз китобида академик И. Мўминовнинг йирик тарихчи олим эканлигини махсус таъкидлайди. Жумладан, унинг совет тузуми «қора рўйхатига» кирган ва «таъқиқлаб қўйилган» мавзуларга қўл урганлиги Амир Темур тўғрисида ёзган китоби ва бошқа асарлари мисолида батафсил ёритади. Шунингдек, олимнинг бу жасоратининг ҳозирги аҳамиятини алоҳида таъкидлайди.

С. Шермуҳамедов академик И. Мўминовнинг катта ташкилотчилик салоҳияти ҳақида ҳам сўз юритади. Буни муаллиф И. Мўминовнинг турли нашрларни йўлга қўйганлигидаги фаолияти ва айниқса, мамлакатимизда биринчи бор нашр этилган энциклопедияни тайёрлаш мисолида кўрсатади.

Академик И. Мўминов ҳақидаги китоб нафақат таниқли файласуф ва серқирра олим тўғрисида ҳикоя қилиши билан, балки элга ҳаёти ва билимини бағишлаган сиймоларнинг халқ хотирасида ҳамиша эъзозланиши билан ҳам айни вақтида ёзилгандир.

Анвар АБДУСАМЕДОВ,
фалсафа фанлари доктори, профессор
Шодмонқул АЗИЗОВ,
фалсафа фанлари номзоди, доцент

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ
(бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ
(бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ
(бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ
(масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ
(масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Әртага кеғдир

Менга бир гапинг бор кўзингдан сездим,
Шубҳа қўниб ўтган сўзингдан сездим,
Юрагимга келар изингдан сездим,
Айтсанг бугун айтгин, эртага кечдир.

Дўстим гуноҳим кўп олдингда тайин,
Қай кун недир дедим, мен ҳам нотайин,
Энди виждон қийнар кун ўтган сайин,
Кечсанг бугун кечир, эртага кечдир.

Суҳбати гулханли , суханлари чўғ,
Иллоҳ, муҳаббатда бугун, эрта йўқ,
Аммо, мен бугун бор, балки эрта йўқ,
Севсанг бугун севгин, эртага кечдир.

Саволи шафтоли гулидек эрка,
Хаёли майсанинг тилидек эрка,
Висоли капалак умридек эрка,
Келсанг бугун келгин, эртага кечдир.

Мен кўзимга суртсам, кимлар босадир,
Унут сўқмоқларни чимлар босадир,
Эртага йўлларни қумлар босадир,
Сезсанг бугун сезгин, эртага кечдир.

Мени шубҳа-гумон топмасдан туриб,
Ғийбат қашқирлари қопмасдан туриб,
Ишончсизлик кўзим ёпмасдан туриб,
Ишон, бугун ишон, эртага кечдир.

Бир қарасанг суярлар,
Бир қарасанг куярлар.
Ўнг кўзингдан яшириб,
Чап кўзингни ўярлар.
Жавдираган жайронсан,
Жимсан, гарчи Сайронсан,
Тортадилар, тўрт томон,
Юрак-баҳри алвонсан.
Ўнгга қараб ҳайронсан,
Сўлга қараб ҳайронсан.
Сўрамаслар ҳолинг не,
Не учун заъфаронсан.
Чўллаб келар карвонсан,
Ки бир озурдажонсан,
Баланд-баланд ўтсалар,
Елка тутар нарвонсан.
Текис йўлда депсиниб,
Тулпорларинг тоярлар,
Қадамингга ғийбатдан
Тоштепалар уярлар.
Битта яхши сўз айтсанг,
Минг ёмонга йўярлар,
Энг яхши дўстингни ҳам
Душман этиб қўярлар.
Пойингга гоҳ гул сочиб,
Гоҳо қопқон қўярлар,
Билмадим, бу ҳийладан,
Қандай лаззат туярлар.
Кўз ёшларинг Зулфия
Минг балодан огоҳдир.
Оллоҳдан бошқасига,
Ишонмоғинг гуноҳдир.

Кечларни кечирган кечмишим маним,
Ўтларни ўчирган будуним маним.
Гул лабла оловлар ичмишим маним,
Энасойим маним, Ўрхуним маним,
Юракка ўйилган битигим маним,
Жонимга чўғ солган ўтригим маним,
Турна товушдан кўкарган майсам,
Тошларга ҳарф ёзган кипригим маним,
Отларнинг кишнаши, шамшир жаранги,
Тошларни уйғотган Ўтрорим маним.
Ҳислар талошида, гуллар қошида,
Паристалар чалган чилторим маним.
Асрлар чангидан, йиллар чангидан,
Атиргул ундирган гулсиним маним.
Тортиниб-тортиниб лабларга қўнган,
Табассумим маним, масъумим маним.
Бешигимга булбул қўйдирган бахшим,
Дур оним, сир оним, нур оним маним.
Этагингни ўпсам энтикар жоним,
Хуш оним, нур оним, туроним маним.
Ақл чархлаётган чархлигим маним,
Фозиллардан фозил фарқлигим маним.
Дунёни ёритсин учун ғарб томон,
Қуёшни узатган шарқлигим маним.

Зулфия МЎМИНОВА

Vatanni sevmak iymondandur!

O'ZBEKISTON OVOZI

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1998 yil 21 noyabr, shanba № 139 (24.376).

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan

«Ўй-маросимлар» ўйланмаси

Азиз муштарий! Таърифлари баён этилган сўзларни шаклнинг ўртасидаги хоналарга ёзиб машқни ҳал этинг.

1. Инсоннинг мажбуриятлардан бири. 2. Тўйдан сўнг янги қуда томондан ташриф буюрган аёллар зиёфатию келинлик сепини кўз-кўз қилиш урф-одати. 3. Тўй қилиш ташвишлари билан унутиладиган ҳузур-ҳаловат. 4. Ҳатто маърака маросимларига ҳам тарқатилувчи чорлов қоғози. 5. Тўйлардаги сўз усталари бахси. 6. Енгил ва шўх қўшиқ. 7. Баъзилар унутаётган одиллик ва холислик. 8. Маъмурчилик ва фаровонлик белгиси. 9. Фақат ўзини ўйлаб, нафс йўлида ҳар нарсага тайёр киши. 10. Моддий тафтишдан сўнгги салбий якун. 11. «Оёғи ердан узилган» раҳбарлар ўтказадиган тўйни сифатлашларидан бири. 12. Халқимизга хос азалий ва замонавий урф-одатлар. 13. Тўй дастурхонининг доимий кўркига айланган «неъмат». 14. Тўйдан сўнг қуёвга қувват деб юбориладиган таом. 15. Ўз имкониятини ҳисобга олмай, тўй қилган киши нимага «ботади». 16. Тантанали катта меҳмондорчилик. 17. Тўю-тантаналарда кийгизиладиган миллий либос. 18. Икки ёшнинг бир умрлик битими. 19. Куёв томонидан тўйда юбориладиган ширинлик. 20. Ўтмишда келинлар либосига муносиб кўрилган газлама. 21. Келин томонидан машинага ортиб кетилувчи тугунлар. 22. Ўзбекона инсоний фазилат. 23. Набира дунёга келиши билан рўёбга чиқадиган маросим. 24. «Камтарга — .....». 25. Никоҳга ёлланган енгил машиналарнинг «зўри». 26. Тўю-маъракаларда исроф бўлаётган неъмат. 27. Тўйдан кейинги армон, афсус... 28. Тўйлардаги ўзи бўларчилик оқибатида нимани бой берамиз. 29. Халқимизга хос азалий камсуқумлик фазилати. 30. Саид Аҳмаднинг саҳна асари. 31. Тўй важидан айрим кишилар унутаётган маънавият омили. 32. «Келинлар қўзғалони» фильми қаҳрамони. 33. Иўргакдаги фарзандга ўтказиладиган маросим.

Муаммонома: дастлаб қуйидаги ижодкорлар қаламига мансуб мисраларда ифодаланиб, рақамларда яширинган сўзларни топиб очқични аниқланг.

Юсуф Хос Ҳожиб:
1. Ҳурмат қил яхшиларни, уларга 16,17,18,1,10,1,11 қил,
Халққа суянчиғ бўл, ёрдамлашу ёрдам қил.

Алишер Навоий:
2. Эй 11, 12, 7, 4,25,10 ҳар дам чекарсан эл ғамини, ғам дема,
Ҳар дамки эл ғамидин ҳам ўтса, дам дема.
Ҳудди жонингдек ўзингга маҳрам эт эл меҳрини,
Бўлмаса эл дардига маҳрам уни маҳрам дема.
Одамикми эл уғун қайғурмаса, одам дема.
3. Одами эрсанг, демагил одами,
Ониким йўқ 17,2,10,20 ғамидин ғами.
4. Халқ меҳрига яна, ёраб, мени 22,6,3 айлама,
Айласанг ҳам, 8,23,15,3,1 йўқларга гирифтор айлама.
Меҳрибонларга доғи учратсанг, элнинг меҳрини,
Ногаҳон хитирлари ичра паридор айлама.

Саъдий Шерозий:
5. Элнинг қалбин оғритма, берма зарар,
Курур илдизинг ранжиса 26,10. агар.

Абдураҳмон Жомий:
6. Агар бор давлатинг халққа сарф этсанг,
Ундан 13,2,21,6,5 иш йўқ, шукрига етсанг,
7. Адл билан 9,2,8,2,24 сув билан олов,
Иккисин бир жойда кўрганми биров?

Паҳлавон Маҳмуд:
8. Кимдаки бўлмаса замона ғами,
Ё оламдан эмас, ё эмас 6,19,2,8.

Нодим Намангоний:
9. Ёлғиз ўзим деганлар 9,9,14,10,2,3 ошиб юрибдур,
Ёшин чу абри борон тинмай сочиб юрибдур.

Энди топган жавобларингиз асосида шакл атрофидаги рақамларни мос ҳарфлар билан алмаштириб муаммономани ечинг. Шунда «Матлаъ ул-улум» ва «Дуррат ул-ваъизийн» нодир асарларида келтирилган икки мисра ҳикматни қаторлар бўйича ўқиш билан билиб оласиз.



Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ

Борми, синфдош

Ёшлар бизнинг келажагимиз. Эртамиз давомчиси. Суянчимиз ёшлар. Фақат сиз учун эркин фикр, минбар, айтар сўз бу «Синфдош» журнали. Унинг саҳифаларидан сизни ўйга толдираётган, безовта қилаётган масалаларга билдирилган фикрлар жамламаси ўрин олган: «Пуллик китоблар», «Шпаргалка», «Кимнинг мактаби зўр», «Партадаги ёзувлар», «Пардага пул йиндик», «Кўчиришга бериб тур», «Мактаб, муҳаббат... ва» каби рукнлар очилган. Сизга ҳам ёқаяптими, синфдош? Кўнглингизда нимадир ғимирлади, нимадир айтгингиз келди, шундайми? Ахир, рукнлар сизга таниш, сизни безовта қилган «сирли» мулоҳазалар, шундайми, синфдош?

«Синфдош» мамлакатда ягона ўсмирлар журнали бўлиб қолажак. Сиз билан эркин фикрлашишга ҳаракат қиламиз. Директор нима деркан, синф раҳбари қандай муносабатда бўларкан, деган «ўзбекчиликка» чек қўямиз энди. Бизнинг ҳам фикримизни айтишга ўз ҳаққимиз, ҳуқуқимиз бор. Чунки, биз эртанинг қудратли кучимиз. Келинг, ҳамфикр бўлайлик. Бунинг учун «Синфдош» сиз билан ёнма-ён юриши керак. Ахир, «Синфдош» — энг арзон, энг қизиқарли. Ахир, «Синфдош» — бу сиз, ўзингиз-ку! Унутманг, «Ёш куч» журнали сизлар учун «Синфдош» журнали чиқара бошлади. Агар «Ёш куч» таҳририяти билан шартнома қилсангиз бир ойга 60 сўм, бир йилга эса 360 сўм, зўрми?! Сиз «Синфдош»га, «Синфдош» сизга керак-ку, ўз тенгдошингиз фикрини билишни хоҳлайсизку, бу бор гап. Фикр ақлни чархлайди. Тафаккурни ўстиради фикр. Баркамоллик манбаи эркин сўз.

Матбуот тарқатиш бирлашмаси бўлимлари орқали обуна нархларини ҳам билгингиз келаяптими? Марҳамат: Якка тартибда бир йилга — 396 сўм. Нашр кўрсаткичи — 1000. Ташкилотлар учун бир йилга 624 сўм. Нашр кўрсаткичи — 1001.

Манзилимизни ёдда тутинг: 700113. Тошкент, Қатортол кўчаси, 60 уй.

«Синфдош» саҳифаларида эркин фикрлашга хуш келибсиз, синфдош!

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-07-20, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-47-80, 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55,133-47-80.
факс — 133-38-55,133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 3-25-79;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир *Ҳамид ИКРОМОВ*, навбатчи *Шукур ЖАББОРОВ*

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи-дастурчи Бахтиёр ҲАМИДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00004 Газета офсет усулида, А—2 форматида, 20.025 нусхада босилди.
•
Ҳажми 2 босма табоқ
•
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади
•
Г — 0484

Босишга топшириш вақти – 21.00. Топширилди – 21.43
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

Тошкент шаҳар Яккасарой туманидаги 73-ўрта мактаб томонидан 1997 йилда Джаффаров Ҳамид Қобулович номига берилган № ИZ 1-290881 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«Оила — 98»

«ЮЗ БИЛАН ЮЗЛАШГАНЛАР»

Қадрли муштарийлар! Таҳририятимиз «1998 йил — Оила йили» муносабати билан шу номда янги рукн ташкил этди. Унда ватанимизнинг турли қишлоқ ва шаҳарларида яшаётган — юз ёшга тўлган ва ундан ўтган нуроний отахон ва онахонлар ҳақида маълумотлар бериб бормоқдамиз. Шундай кишилар ҳақида маълумотга эга бўлсангиз, албатта бизга ёзиб юборинг.

Фамилияси *Тўраев*
Исми *Бўжамқул*
Отасининг исми _____
Қачон, қаерда туғилган *1895 йил Сурхондарё вил. Ғузор тум. Қизилча қишлоғи*
Ҳозир қаерда яшайди *Қашқадарё вил. Жиғшон тум. «Оқ олтин» қишлоғи*
Узоқ умр кўришнинг сири *Қувноқлик ва тотувлик* (қисқа баён этилади)
Юз ёшнинг хулосаси *Юрт тинчлиги — халқ бойлиги* (қисқа баён этилади)

Фотосурат ҳам илова қилиниши керак. Биз шу тариқа мамлакатимизда энг узоқ умр кўрган кишиларни аниқлаш ниятидамиз. Йил сўнгида улар таҳририятнинг махсус мукофоти билан тақдирланадилар.

Конвертга «ЮЗ БИЛАН ЮЗЛАШГАНЛАР» РУКНИГА» деб ёзишни унутманг.

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

Республика Кўчмас мулк биржаси Сиз азизларни 1998 йил 3, 15, 29 декабрь кунлари соат 11.00 да Республика Биржалар марказида ўтказиладиган навбатдаги

Китошди савдоларига таклиф этади

САВДОГА ҚУЙИДАГИ МУЛКЛАР ҚЎЙИЛАДИ:

1. Тошкент вилояти, Янгийўл шаҳри «Қовунчи-тепа» кўчаси 8-уйда жойлашган «Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг» компаниясига қарашли «Нормаль» масъулияти чекланган жамиятининг қуйидаги мулклари қўйилади:
а) 100 ўринли ошхона биноси. Алоҳида жойлашган электр, телефон, сув ва канализацияси бор.
Бошланғич баҳоси — 2 млн. 243,6 минг сўм.
б) Болалар боғчаси биноси. 2 қаватли, пишиқ ғиштдан қурилган, таъмирталаб. Атрофи ўралган, электр телефон, сув ва канализацияси бор.
Бошланғич баҳоси — 5 млн. 77,3 минг сўм.
2. Тошкент вилояти, Зангиота туманида жойлашган 111 сонли АЁҚШ. Асфальт ётқизилган ер майдони 0,25га. Мазкур шаҳобча Катта Ўзбек Тракти бўйида жойлашган. Катта трассадан АЁҚШга кириш ва чиқиш йўллари мавжуд. Унинг атрофи ўралган. АЁҚШнинг савдо дўкони ҳам бор. Майдони 45 м².
Бошланғич баҳоси — 5 млн. 655 минг сўм.
3. Тошкент шаҳар Халқ банки бошқармасига қарашли «Тойота-Кроун» русумли автомашинаси.
Давлат рақами 04-00 ТНБ, 1984 йилда ишлаб чиқарилган.
Бошланғич баҳоси — 80 минг сўм.

Шу билан биргаликда республика Кўчмас мулк биржасида ҳафтанинг ҳар чоршанба ва жума кунлари биржа савдолари ўтказилади.

Азизлар! Биржа савдоларига мамлакатимизнинг турли ҳудудлари ва Тошкент шаҳридаги кўчмас мулклар: офис учун жойлар, ишлаб чиқариш жойлари, биноларни, квартиралар ва бошқа мулклар қўйилмоқда.

Мазкур мулкларга қизиқиши бор ишбилармон ва тадбиркор юртдошларимиз, хорижлик сармоядорлар республика Кўчмас мулк биржасига мурожаат қилишлари мумкин.

МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 8-уй.
Телефонлар: 136-15-28, 136-28-58
Факс: 136-26-26